БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

7-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 135 (1655)

9 ИЮЛЬ ШАНБА 1960 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

ТАСС ахбороти

Космик учишлар учун мўлжалланган кўп босқичли жуда катта янги баллистик ракета 1960 йил 7 июлда иккинчи марта муваффақиятли учирилди.

Ракета тайинлаб қўйилган вақтнинг худди ўзида учирилди. Ракета олдиндан белгилаб қўйилган траектория бўйлаб аниқ учирилди.

Совет флотининг ўлчов воситалари билан ускуналанган махсус кемалари ўтказган ўлчашлар натижасида олинган маълумотларга қараганда, ракета охирги босқичининг макети бориб тушиш учун белгиланган нуқтанинг бевосита олдидаги сув юзасига бориб етган.

Ракета босқичи ўн уч минг километр чамаси узоқликдаги масофага туширилди.

Кўп босқичли жуда катта учирувчи ракетанинг янги варианти шу йил 5 ва 7 июлда муваффақиятли учирилганлиги натижасида ракетанинг шу вариантини синовдан ўтказиш учун мўлжалланган программа тўла равишда бажарилди.

Бу учиришлар натижасида космик фазони янада ўзлаштирмоқ учун мўлжалланган учирувчи ракетани такомиллаштиришга доир зарур маълумотларнинг ҳаммаси қўлга киритилди.

Ракеталарнинг ҳар иккала учирилиши яхши натижалар берганлиги сабабли ракетанинг бу вариантини синашни давом эттиришга эҳтиёж қолмади. ТАСС ўзига берилган ваколатга асосланиб шуни билдирадики, ТАССнинг 1960 йил 29 июндаги ахборотида кўрсатилган координатлар билан чекланган район кемаларнинг юриши ва самолётларнинг учиши учун шу йил 8 июндан бошлаб, муддатидан олдин бўшатиб қўйилди.

Хотин-қизлар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтирайлик

Мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг бирорта соҳаси йўққи, унда шонли совет хотин-қизлари актив иштирок этмаётган бўлсин!

Улуғ Ленин хотин-қизларни давлат, жамоат ишига, ишлаб чиқаришга актив жалб этиш партиянинг жуда муҳим вазифаси эканлигини қайта-қайта уқтирган эди. Чунки, бусиз дадил қадамлар билан тез олга бориб ва коммунистик жамиятни муваффақиятли қуриб бўлмайди. Партиямиз доҳининг бу кўрсатмаларини муқаддас деб билиб ҳамда унга оғишмай амал қилиб хотин-қизлар тўғрисида ғамхўрликни ҳар тарафлама кучайтирмоқда. Буни ҳур республикамиз мисолида яққол кўриш мумкин.

Ўтмишда саводсиз, чўри бўлган, ҳатто юзини очиб юришга журъат эта олмаган, ижтимоий ҳаётдан четлатиб, хуллас барча инсоний ҳуқуқлардан маҳрум этиб қўйилган ўзбек хотин-қизлари эндиликда эркаклар билан ёнма-ён туриб меҳнат қилмоқдалар, донгдор Турсуной Охунова ва унинг издошлари синглари пахта териш машиналарини бошқармоқдалар, тўқувчи Садди Пўлатова, йигирувчи Марҳамат Иўлдошева, аппаратчи Ҳабиба Умарова, машҳур кимёгар Гавҳар Ҳайдарова каби завод-фабрика станокларида ишламоқдалар, институт ва университет кафедраларида туриб дарс бермоқдалар, лаборатория столлари ёнида ўтириб илмий иш билан шуғулланмоқдалар, давлат арбоблари вазифасини адо этмоқдалар.

Совет ҳокимияти йилларида ўз қобилият ва истеъдодларини кўрсатиш, камол топтириш имкониятига эга бўлган хотин-қизларимиз хилма-хил касбларни тобора муваффақиятли эгаллаб, мамлакатимиз экономикаси ва маданиятининг барча соҳаларида жуда катта куч бўлиб қолдилар. Улар бутун совет халқи билан бирга моддий ва маънавий бойликларни яратмоқдалар, меҳнатда ажойиб қаҳрамонликлар кўрсатиб, улуғвор етти йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун курашга ўз муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Совет хотин-қизлари партия ва ҳукуматимизнинг доимий ғамхўрлиги ҳамда умумхалқ меҳрибонлиги билан қуршаб олингандирлар. Кўп сонли санаторийлар, дам олиш уйлари, туғруқхоналар, болалар муассасалари ва бошқалар оналар ҳамда болалар саломатлигини сақлаш учун хизмат қилаётгир. Бизда оналик ва болалик мустаҳкам қонун асосида ҳар томонлама муҳофаза этилаётганлиги партия ва ҳукуматимиз томонидан нурли ҳаётимизнинг хусни-камоли бўлган совет аёллари тўғрисида қилинаётган муттасил ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир.

Областимиздаги кўпгина партия ташкилотлари хотин-кизлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириб, уларнинг ҳуқуқини муҳофаза килиш, кобилиятларини ўстириш, ишлаб чиқариш, давлат ва жамоат ишларига жалб этиш ҳамда раҳбарлик лавозимларига кўтариш соҳасида бирмунча дуруст иш қилмоқдалар

Лекин бир қатор партия ташкилотлари хотин-қизлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни бўшаштириб юборганлар. Хотин-киз кадрлар билан ишлаш, уларни саноат, транспорт, қурилиш ва қишлоқ хўжалигидаги раҳбарлик вазифаларига, шунингдек партия аппаратидаги вазифаларга кўтариш кўнгилдагидек эмас. Оҳангарон, Янгиер шаҳар, Фрунзе, Бўстонлиқ, Гулистон ва Чиноз район партия комитетлари аппаратида ўзбек хотин-қизларидан биронта ҳам киши йўқ. Область колхозларидан фақат иккитасида хотин-қизлардан раис бўлиб ишламоқда. Халқ маорифи, соғлиқни сақлаш органлари савдо ва жамоат овқатланиш системасида хотин-қизлардан раҳбарлик лавозимларига жуда кам киши кўтарилмоқда. Пискент, Сирдарё, Тошкент шаҳар Октябрь ва бошқа баъзи район партия ташкилотлари хотин-қизлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кампаниячилик характерида олиб бормоқдалар. Айрим ҳолларда ҳали хотин-қизларга нисбатан бой-феодалларча муносабатда бўлиш фактлари юз бермоқдаки, бундай ҳолларга нисбатан мутлақо йўл қўйиб ва бетараф лик позициясида туриб бўлмайди, албатта.

Коммунистик қурилиш манфаатлари хотин-қизлар тўғрисида ғамхўрликни тобора кучайтиришни, уларни маънавий-иқтисодий жиҳатдан тўла қўллаб-қувватлашни, давлат, жамоат ишига, ишлаб чиқаришга актив жалб этишни, саноат корхоналари, транспорт, қурилиш ташкилотлари, партия органлари ва қишлоқ хўжалигидаги раҳбарлик вазифаларига дадил кўтаришни талаб қилади. Шундай экан партия ташкилотларининг энг муҳим вазифаси — хотин-қизлар тўғрисида ғамхўрликни янада кучайтиришдан, талант ва қобилиятларини, ижодий ташаббускорлигини оширишдан, жамоат ишларига актив жалб қилишдан, уларнинг куч-ғайратини етти йиллиқ топшириқларини муваффақиятли бажариш учун курашга сафарбар этишдан иборат. Бунинг учун хотин-қизлар ўртасида олиб бориладиган сиёсий-тарбиявий ишлар уларнинг ғоявий талаблари ва қизиқишларини оширишга, айниқса рўзғор ишидаги ёлларни актив ижтимоий-сиёсий ҳаётга тортишга, диний хурофотларга, шунингдек меҳнатчилик саркитларига қарши курашга бўйсундирилиши лозим.

Партия ташкилотлари хотин-қизларнинг профессионал фаолияти ва машғулот турларини ҳисобга олган ҳолда улар учун системали тарзда лекциялар, суҳбатлар, тематик кечалар, йиғилишлар ва шулар сингари тадбирларни юксак савияда ташкил этишлари, хотин-қизлар советларининг ишларини активлаштиришлари, хотин-қизларга нисбатан бой-феодалларча муносабатда бўлиш кўринишларига қарши шафқатсиз кураш олиб боришлари керак.

Ҳозир колхоз ва совхоз далаларида пахта ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун курашнинг авжи қизиган пайти. Ана шундай долзарб кунларда хотин-қизларнинг унумли меҳнат қилиши учун барча зарур шароитларни яратиб бериш партия ташкилотларининг масъулиятли бурчидир. Шундай қилинганда областимиз пахтакорлари бу йил мамлакатга ярим миллион тонна «оқ олтин» дурдоналари етказиб бериш юзасидан олган юксак социалистик мажбуриятларининг муваффақиятли бажарилиши таъминланади.

Хотин-қизлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни янада кучайтирайлик, уларнинг коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида актив иштирок этишини таъминлайлик.

Н. С. Хрушчев Венадан жўнаб кетди

ВЕНА, 8 июль. (ТАСС). Австрияда меҳмон бўлиб турган СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевни бугун Вена самимий узатиб қолди.

Н. С. Хрушчев ва унинг ҳамроҳлари тушган «ИЛ — 18» самолети маҳаллий вақт билан соат 12-50 минутда (Москва вақти билан соат 14-50 минутда) Венадаги Швехат аэродромидан парвоз қилди ва Москвага томон йўл олди.

* * *

Н. С. Хрушчев шу куни Москвага етиб келди.

Халқаро журналистлар ташкилоти ижроия комитетининг сессияси очилди

ЛЕНИНГРАД, 7 июль. (ТАСС) Бугун Киров ороллaридаги Елагин саройида Халқаро журналистлар ташкилоти ижроия комитетининг сессияси очилди. Сессия ишида Албания, Болгария, Руминия, Венгрия, Вьетнам, Германия Демократик Республикаси, Хитой, Корея, Мўғулистон, Польша, Совет Иттифоқи, Финляндия, Франция, Чехословакия вакиллари қатнашмоқда.

Сессияни халқаро журналистлар ташкилотининг президенти Ж. М. Эрман қисқача кириш нутқи сўзлаб очди.

Ленинград шаҳар совети ижроия комитети раисининг ўринбосари П. В. Огромнов Ленинград совети Ижроия комитети ва Ленинград шаҳар меҳнаткашлари номидан сессия қатнашчиларини табриклади.

Халқаро журналистлар ташкилотининг бош секретари И. Мейснернинг Халқаро журналистлар ташкилоти ижроия комитетининг охирги сессиясидан буён ўтган бир йил ичида халқаро журналистлар ташкилотининг фаолияти тўғрисидаги ва келгуси йил планлари ҳақидаги доклади тингланди.

Сессия ўз ишини давом эттирмоқда.

ВЕНАДАГИ СОВЕТ ЭЛЧИХОНАСИДА Н. С. ХРУШЧЕВ ШАРАФИГА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

ВЕНА, 7 июль. (ТАСС). СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг Австрияга қилган сафари муносабати билан, СССРнинг Австриядаги фавқулодда ва мухтор элчиси В. И. Авилов бугун катта қабул маросими ўтказди. Қабул маросимида Совет томонидан СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. Н. Косигин, СССР Маданият министри Е. А. Фурцева, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССР Министрлар Совети Чет мамлакатлар билан маданий алоқа Давлат комитетининг раиси Г. А. Жуков, Свердловск Халқ хўжалиги кенгашининг раиси С. А. Степанов ва бошқа кишилар ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимига Австрия томонидан Австрия Республикасининг президенти А. Шерф, федерал канцлер Ю. Рааб, вице-канцлер Б. Питтерман, ташқи ишлар министри Б. Крейский, Миллий кенгаш раиси Л. Фигль. Австрия министрлари ва парламент депутатлари, атоқли сиёсий ва жамоат арбоблари, фан ва маданият арбоблари келдилар. Совет элчихонасидаги қабул маросимига Венадаги деярлик ҳамма элчихона ва миссияларнинг бошлиқлари, Австрия ва чет эл матбуотининг кўп вакиллари ҳам келдилар.

Қабул маросимининг бошида СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевни ва Австрия Республикаси президенти А. Шерфни кутиб олиш вақтида Австрия Республикаси ва Совет Иттифоқи давлат гимнлари ижро этилди. Шундан кейин оркестр Австрия классикларининг музика асарларини ижро этди. Меҳмонлар Н. С. Хрушчевни ва унинг рафиқасини самимий табриклидилар. Н. С. Хрушчев Австриянинг кўпгина сиёсий ва жамоат арбоблари билан суҳбатлашди.

Қабул маросими ғоят самимий вазиятда ўтди.

АВСТРИЯ ВА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ВАКИЛЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

ВЕНА, 7 июль. (ТАСС). СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев билан Австрия Республикаси федерал канцлери инженер Ю. Рааб ўртасида бўлиб ўтган суҳбатларни ривожлантириш юзасидан бугун, 7 июлда федерал канцлер инженер Ю. Раабнинг резиденциясида Совет ва Австрия вакиллари ўртасида ҳар иккала томонни қизиқтираётган масалалар юзасидан учрашув бўлди.

Учрашувда Совет томонидан — СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. Н. Косигин, Ташқи ишлар министри А. А. Громико, Свердловск Халқ хўжалиги кенгашининг раиси С. А. Степанов, Ташқи савдо министрининг ўринбосари С. А. Борисов, Ташқи ишлар министрлиги учинчи Европа бўлимининг мудири И. И. Ильичев ва бошқа расмий кишилар; Австрия томонидан — Федерал канцлер инженер Ю. Рааб, Ташқи ишлар министри Б. Крейский, Савдо министри Ф. Бок, Молия министри Э. Хейлингзетцер, Ташқи ишлар министрлигининг статс-секретари Ф. Гшницер, федерал канцлер бошқармасининг бошлиги Г. Преглау ва бошқа расмий кишилар қатнашдилар.

СОВЕТ — АВСТРИЯ АХБОРОТИ ИМЗОЛАНДИ

ВЕНА, 8 июль. (ТАСС). Бугун маҳаллий вақт билан соат 9-30 минутда Венада Бальхаузплатцдаги Ҳукумат биносида Совет — Австрия қўшма ахборотини имзолаш маросими бўлди. Ахборот текстини Совет ҳукумати номидан СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев, Австрия ҳукумати номидан Австрия федерал канцлери инженер Ю. Рааб ва вице-канцлер Б. Питтерман имзоладилар.

Н. С. ХРУШЧЕВ АВСТРИЯ РАДИОСИ ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ ОРҚАЛИ НУТҚ СЎЗЛАДИ

ВЕНА, 8 июль. (ТАСС). СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев кеча кечқурун Австрия радиоси ва телевидениеси орқали нутқ сўзлади.

Н. С. Хрушчевнинг нутқи зўр қизиқиш туғдирди. Кўпгина мамлакатларнинг станциялари Австрия Республикасининг телевидение тармоғига улаб қўйилди. Венадаги барча ресторан, кафе ва бошқа жамоат муассасаларида ҳамма заллар Н. С. Хрушчевнинг нутқини эшитишни ва уни ўз кўзлари билан кўришни истаган веналиклар билан лиқ тўлган эди.

ИШЧИЛАРНИНГ КУЧИ—БИРЛИКДА

Н. С. ХРУШЧЕВнинг Штирия меҳнаткашлари делегациялари билан учрашуви



СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев Австрияда. Н. С. Хрушчев канцлер Ю. Рааб ва Юқори Австрия вилоят ҳукуматининг аъзолари билан суҳбатлашмоқда.

ТАСС махсус фотокорреспонденти **В. Кошевой** фотоси.

(Сурат фототелеграф орқали олинган).

6 июлда Н. С. Хрушчев Австриянинг жанубий вилоятлари ҳисобланган Карнития ва Штирия бўйлаб сафар қилди. Бу кўркам жойлар ўзларининг тог ўрмонлари, зилол кўллари, тезоқар тоғ дарёлари, ям-яшил водиларидан машҳурдир. Бу ерларнинг гўзаллиги жуда кўп чет эллик туристларни ўзига жазм этиб турадиган. Совет ҳукумати бошлиғини табриклаш учун бу ердаги чет эллик туристларнинг кўплари австрияликларга қўшилдилар.

Бу ерлар турист ва курорт районларигина эмас, бу ерда Австриянинг саноат корхоналари — шахталар, заводлар ҳам жойлашган. Н. С. Хрушчевнинг Австрия бўйлаб қиладиган сафари программасига жуда кўп нарсалар киритилган эди. Шу туфайли у программада кўзда тутилган корхоналарнинг ҳаммасида бўла олмади. Бироқ, Австрия корхоналарининг ишчилари Совет ҳукумати бошлиғи билан кўришишга ниҳоятда орзуманд эдилар. Н. С. Хрушчев катталиги жиҳатидан Австрияда иккинчи шаҳар деб ҳисобланган ҳамда Штириянинг бош шаҳри бўлган Грацга келиши биланоқ меҳмонлар учун ажратилган меҳмонхонанинг вестибюлида Штириядаги завод ва фабрикаларнинг жуда кўп делегациялари тўпланди. Улар Н. С. Хрушчевнинг бу ерга келишидан анча олдин ихлос билан ишланган ўз совғалари билан бу ерга келган эдилар. Бу совғалар — Штирия корхоналарида барпо этилаётган машиналарнинг моделлари, улар ишлаб чиқараётган буюмларнинг нусхалари, хилма-хил суратлар, гравюралар, эмблемалар ва гулларидан иборат эди.

Штирия меҳнаткашлари делегацияси ўзини кутиб турганлигини эшитар экан, Н. С. Хрушчев Австриянинг федерал канцлери Ю. Рааб билан биргаликда шу ондаёқ ударнинг олдига меҳмонхона вестибюлига тушиб келади. Филлаҳда ишчилар делегациялари билан бўлган учрашув вақтидаги бизга таниш манзара бу ерда ҳам такрорланди. Делегациялар Совет ҳукумати бошлиғи олдига бирин-кетин келиб, ўз совғаларини унга топширдилар, ишчиларнинг вакиллари юрагдан йўл олган сўзларни ҳаяжон билан гапирдилар.

Матбуот группаси Н. С. Хрушчевнинг Штирия ишчилар коллективининг вакиллари билан бўлган ана шу самимий ва дилкаш учрашувининг бутун тафсилотини совет кишиларига тақдим қилади.

Вагонсозлик заводи ишчиларининг вакили П. Кеберль биринчи бўлиб сўзлади:

— Қадрли ўртоқ Совет Иттифоқининг бош министри, Штирия корхоналари ва Грац заводларининг делегациялари Сизни ғоят самимий равишда табриклаш учун бу ерга келдилар.

— Раҳмат,— деди Никита Сергеевич. Н. С. Хрушчевнинг самимийлиги ва хушмуомалалигидан ғоят таъсирланган П. Кеберль унинг қўлини қаттиқ қисиб, сўзида давом қилади:

— Бу ерда тўпланган бизлар— партиясизлар, социалистлар, коммунистлар, турли партияларнинг ишчи аҳлларимиз. Бироқ, ҳаммамиз ҳам ҳамма учун умумий бўлган бирдан-бир ният билан бу ерга келдик. Бизнинг ниятимиз ўз коллегамиз бўлган сизга Штирия корхоналари ишчиларининг саломини топшириш эди. Биз Совет Иттифоқининг тараққиётини зўр эътибор билан кузатиб турибмиз. Совет халқи қўлга киритган тараққиётни ҳаммамиз қизғин табриклаймиз. Сиз эришган муваффақиятлар бизга ҳам ёрдамку, ахир.

Австрия ишчилари Сизнинг тинчлик учун олиб бораётган курашингизни зўр ҳурмат билан кузатиб турибдилар. Биз Сизнинг ана шу курашдаги ғайрат-шижоатингизни табриклаймиз. Грац аҳолиси урушнинг нима эканлигини яхши биладиган. Уруш халқимизга катта зарар етказди. Бу ердаги ҳар бир уйни ўз қўлларимиз билан тиклашга тўғри келди. Ана шу нарсанинг такрорланишини ҳеч биримиз истамаймиз. Австрияликлар кичик халқ бўлса ҳам тинчлик учун олиб борилаётган курашга ўз ҳиссамизни қўшишга ҳаракат қиламиз.

Ўртоқ Хрушчев, тинчлик учун ҳамда янги ҳаёт барпо этиш учун олиб борилаётган курашда Сизга тагин ҳам катта муваффақиятлар тилаймиз. Заводимиз ишчилари номидан ўзимиз шу заводда барпо этаётган вагон моделини эсдалик учун тақдим этишга ижозат бергайсиз. Совет Иттифоқи учун ана шундай вагонларни тагин ҳам кўпроқ барпо этишни истар эдик.

Залда гулдурос қарсаклар бошланади. «Браво!» «Яшасин Австрия-Совет дўстлиги!» деган хитоблар янграб эшитилади. Н. С. Хрушчев кулиб:

— Қўли бақувват, чинакам пролетар қўли! — дейди.

Шундан кейин «Белер Капфенберг» металлургия заводи ишчиларининг вакили А. Пистер сўз олади. У бундай дейди:

— Менга ҳам бир-икки оғиз сўз айтишга ижозат бергайсиз. Мен «Белер Капфенберг» деган пўлат эритиш заводининг ишчилари номидан гапирямман. Менинг дўстларим Сизга қизғин салом етказишни менга топширди. Юксак доирадаги кенгаш барбод бўлганидан кейин халқлар икки нарсадан бирини танлаб олишлари кераклиги бизга равшан бўлиб қолди. Бу икки нарса: умумий куч-ғайрат сарфлаш билан тинчтотув яшашни таъминлаш ёки инсоннатнинг аста-секин урушга дуч келишдан иборат эди. «Белер Капфенберг» заводининг ишчилари бўлган бизларга келганда, биз ўз олдимизга тинчлик учун курашишдан иборат қатъий вазифани қўйганмиз.

Илгари, дейди А. Пистер, бизнинг заводимиз уруш эҳтиёжлари учун ишлаб келган, эндиликда эса биз, ишчилар уруш учун ҳеч қачон ҳеч нарса ишлаб чиқармасликка, тинчлик мақсадлари учунгина ишлашга қатъий ахд қилдик.

Қарсаклар чалинади.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

УРТЎҚМОҚ ПОЧТАСИ

МУҲИМ ЭЪЛОН

М. ҒУЛОМОВ: — Ўт уруғи керак бўлса бизга келинг!

Диққат, ҳаммага-ҳаммага, эшитмадим демангдар. «Пискент» совхозининг ўртоқ Маноп Ғуломов бошлиқ 2-бўлимида «уруғчилик» бригадаси ташкил қилинди. Бу бригадага совхознинг ишчиларидан ўртоқ Шаматов раҳбарлик қилаяпти. Бу йил у ўзининг пахта майдонидан 30 гектарини уруғчилик учун ажратди. Бу ерда чигитга «покровний» қилиб экилган зарпечак, «саломалайким», шўра ва бошқа кўп хил ёввойи ўтларни кўз қорачиғидай асраб парвариш қилинмоқда: «эгасига қойил-э!».

Бўлим бошлиғи ўртоқ Ғуломовнинг айтишига қараганда зарпечак, шўра, «саломалайким» каби ўтлардан мўл-кўл уруғ олинади. Бригада бошлиғи Шаматов: «биз етиштираётган зарпечак уруғи, қараб турарсиз, бутун районга сотса етади», дейди.

Кимга, қайси колхоз ва совхозга шундай «нодир» ўтларнинг уруғи керак бўлса, ҳозирдан бошлаб Ғуломов билан Шаматов ўртоқларга мурожаат қилсинлар. Заявкалар қабул қилинабошланди.

Адрес: Пискент район, «Пискент» совхозининг 2-бўлими.

ҲАШАРОТНАРВАР

Оққўрғон районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг раиси ўртоқ Рисқулов жуда юмшоқ кўнгил, жуда меҳрибон одам. Шунақангги юмшоқ кўнгил, шунақангги меҳрибонки, ҳатто ҳашаротларнинг кўнглига ҳам заррача бўлсин озор етказишни истамайди. Ғўзаларни зараркунандалар ўраб кетибдию, иккинчи бригада ғўзалари ўргимчакканага таланиб барг ташлай бошлабди-ю, бу киши бўлсалар «ўшаларга ҳам қийин, умид билан дунёга келган. Ахир бирор нарсани еб тирикчилик ўтказиш: болачақасини ҳам боқиши зарур-ку» — деб юрибдилар.

РАИС РИСҚУЛОВ: — Оббо қурмагурларей, далада шунча ғўза туриб, менинг ўзимга ёпишади-я...

„ТЕЗ ЁРДАМ“



СУЛТОНОВ:—Верталёт эмас, «тез ёрдам» машинаси бу!

Янгийўл районидаги Карл Маркс номли колхозда ғалати манзарани кўриш мумкин. Биринчи: кўп жойларда ғўзалар чанқаб ва қовжираб ётипти. Иккинчи, баъзи жойдаги ғўзаларни эса сув босиб, пайкал кўлга айланиб кетган.

Бир куни колхоз раиси ўртоқ Султонов ўз активлари билан билибми, билмайми сув босган ғўза ўртасидаги «орол»га тушиб қолди. Қани энди у ердан чиқиб бўлса. Хайрият шу маҳал тепада верталёт пайдо бўлибди. Айтишларига қараганда, раис эсон-омон верталётга чиқиб олгач, ҳайдовчига қараб гапира бошлади:

— Буни ука верталёт эмас, «тез ёрдам» машинаси деса бўлар экан.

— Рост, мен ҳозир ғўза ўртасида сизларга ўхшаб сувга ботган сувчилардан бир нечасини қутқазиб келяпман, — деди ҳайдовчи.

— Яша ука, барака топ! — Қойил қолди раис.

ИШЧИЛАРНИНГ КУЧИ—БИРЛИКДА

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Заводимиз ишчилари, деб давом қилади сўзида А. Пистер, бизнинг корхонамизга келиш имкониятига эга бўлмаганингиздан афсусланмоқдалар. Шу нарсани қатъий айта оламанки, «Белер Капфенберг» заводининг ишчи ва хизматчиларидан камида 80 процента Сизни корхонамизда кўриб табриклашдан хурсанд бўлар эди. Бр юзида мустаҳкам тинчлик ўрнатилсин! Заводимиз ишчилари номидан Сизни табриклаб, камтар совғамизни қабул қилишингизни илтимос қиламан. Бу буюм ишчиларимизнинг маҳоратидан Сизга эсдалик бўлсин.

А. Пистер қўлатдан жуда моҳирлик билан ишланган атиргулни Н. С. Хрушчевга топширади. Никита Сергеевич ташаккур айтиб, уни қаттиқ қучоқлайди.

Сўнгра «Элин-Унион» заводи ишчиларининг вакили А. Миттердорфер сўз олади.

Ўртоқ бош министр, Австриядаги энг йирик корхоналардан бирининг ишчилари номидан Сизни табриклашга ҳамда Сизга хуш келибсиз деган самимий сўзимизни айтишга ижозат бергайсиз. Корхонамизга бориш имкониятига эга бўлмаганингиздан ва Сизни шахсан табриклашга муяссар бўла олмаганликларидан ишчиларимиз жуда-жуда афсусланмоқдалар. Ишчилар ўз ишингизда, тинчлик учун курашингизда Сизга муваффақиятлар тилаганликларини айтишни мендан илтимос қилишди. Биз Австрия билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстликнинг тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамланишини, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-сотиқ ишлари тағин ҳам ривожланишини истар эдик. Ана шундай бўлганда ишчиларимиз иш билан тағин ҳам кўпроқ банд бўлар эдилар. Яшасин халқларимиз ўртасидаги тинчлик ва дўстлик! Кичкина символик совғамизни Сизга топширишга ижозат бергайсиз.

А. Миттердорфер меҳнат эмблемаси — яхши сайқал берилиб, бир-бирига кўндаланг қўйилган иккита қўлат болғачани Н. С. Хрушчевга топширади. **Яна гулдурос қарсаклар янграйди.**

«Пух-верке» деган транспорт машинасозлиги заводи ишчиларининг вакили Ф. Фобес сўз олади. У бундай дейди:

— Ўртоқ Хрушчев ана шу ерда Сизни табриклаш имкониятига муяссар бўлганимдан ниҳоятда хурсандман. Лекин шуни айтишим керакки, менинг ишчи дўстларим корхонамизга келиш имкониятига эга бўлмаганлигингиздан хафа бўлдилар. Ана шу ишчилар ҳар бир сўзингиздан, тинчлик манфаати йўлида қилаётган ҳар бир ҳаракатингиздан Грац ишчилари Сиздан миннатдор эканликларини айтишни мендан илтимос қилишди. Корхонамизда турли партияларга мансуб бўлган ишчилар ишламоқдалар. Аммо, ҳаммамизни битта идея бирлаштириб турибди. Бу идея шундан иборатки, ҳаммамиз тинчлик учун кура шаяпмиз. Ҳаммамиз уруши ёмон кўрамиз.

Ф. Фобес «Пух-верке» заводида ясаб чиқарилаётган машинанинг моделини Н. С. Хрушчевга тақдим этади. У, қаҳрамон совет халқига энг қизғин истакларни етказишни илтимос қилади. Совет халқи тинчлик учун олиб борилаётган курашда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. **Учрашувнинг ҳамма қатнашчилари гулдурос қарсак чалядилар.**

Энди Донавиц шаҳридаги «Альбиц-монтан» заводи ишчиларининг вакили Ф. Петца навбат келади.

— Азиз ўртоқ бош министр, — дейди у, — заводимизда ясалган кўприк тасвирланган суратни эсдалик ўчун тақдим этишга ижозат бергайсиз. Шу кўприк тинчлик ва дўстлик кўприги бўлиб қолсин. Уруш йилларида сизда кўпгина кўприклар вайрон қилинганлигини ва ана шу кўприкларни тиклаш ўзингизга тўғри келганлигини биламиз. Биз, Австрия ишчилари, ҳеч қачон вайрон қилинмайдиган кўприклар қуришни ҳоҳлаймиз!

Уст-устига гулдурос қарсаклар янграйди.

Штирияли парашютчи спортчилар вакили Х. Шпитцер сўз олади.

— Мухтарам Никита Сергеевич, парашютчи спортчиларимиз номидан Сизни табриклашга ижозат бергайсиз. Улар Сизнинг номингиздан юборилган ажойиб совға—спорт парашюти учун ташаккур билдиришни мендан илтимос қилишди. Биз совет спортчиларидан ўрганамиз. Уларнинг намунаси спорт маҳоратини қандай қилиб ошириш кераклигини кўрсатмоқда. Австрия ва совет спортчиларининг дўстлиги мустаҳкамлана берсин ва тинчлик манфаатлари йўлида Австрия ва Совет халқларининг дўстлиги ривожланаберсин!

Х. Шпитцер Никита Сергеевич Хрушчев тасвирланган каттакон фотосуратларга қўл қўйиб беришни ундан илтимос қилади.

— Бу фотосуратлар, — дейди Х. Шпитцер, — спортчиларимизга кўпгина қувончлар бағишлайди. Бу фотосуратлар Сизнинг Австрияга қилган визитингизнинг мангу эсдалиги бўлади. Сизнинг вакили Ф. Ашбахер «МФА» машинасозлик заводининг вакили А. Польд табрик нутқлари сўзлайдилар. Пейсль хоним Грац шаҳрининг хотин-қизлари номидан Н. П. Хрушчевага совғалар тақдим этади.

Н. С. Хрушчев жавоб нутқи сўзлайди.

— Азиз дўстлар, азиз ўртоқлар, — дейди у. — бизнинг мамлакатимиз, бизнинг халқимиз ҳақида яхши сўзларни айтиб, бизнинг ишчилар синфининг иши учун, бутун дунёда тинчлик учун олиб бораётган курашимизга юксак баҳо бериб, менга катта ҳурмат кўрсатдингиз. **(Қарсаклар).**

Штирия ишчиларидан—коммунистлардан ҳам, социалистлардан ҳам, бошқа партияларга мансуб бўлган ишчилардан ҳам салом етказганлигингиз мени хурсанд қилди. Ҳозирча ишчилар кирадиган кўпгина хилма-хил партиялар мавжуддир. Бир нарсани рўй-рост айтишим лозим: турли партияларнинг мавжуд эканлиги ишчилар синфига фойда келтирмайди. Бизга келганда шуни айтишим керак, биз Карл Маркс томонидан эълон қилинган «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган буюк шиорга амал қиламиз. **(Гулдурос қарсаклар. «Браво!», «Ура!» хитоблари эшитилади).**

Қай тарзда ҳаракат қилишингиз керак, — бу сизнинг ички ишингиздир. Бу ҳолда мен илгариги ишчи сифатида ўзимнинг шахсий мулоҳазаларимни айтиб ўтаман. Эндиликда эса мен Совет Иттифоқи ҳукуматига бошчилик қилиб турибман. **(Қарсаклар).**

Биз жаҳонда биринчи социалистик революция қилганлигимизни кўрсатиб, ўз йўлимиздан ҳеч ҳам сиқилмай дадил олга боравердик. Биз коммунистик жамият, инсониятнинг энг яхши ақл-заковатлари орзу қилган энг адолатли жамият барпо этамиз. **(«Браво!» хитоблари эшитилади. Қарсаклар).**

Яхши сўзлар учун ва эсдалик совғалари учун сизларга раҳмат, азиз дўстлар. Ўз юртимга қайтганимда сизнинг яхши сўзларингизни Москва ишчиларига ва Совет Иттифоқининг барча ишчиларига сўзлаб бераман. Келингиз дўстлашайлик, ўртоқлар. Агарда сизларнинг мамлакатларингиз билан савдо-сотиқ ишларини кенгайтирсак яхши бўлар эди, деб айтдингиз. Сизларнинг бу гапингизга қўшиламан. Биз сизларнинг мамлакатингизга катта-катта заказлар бера оламиз. Ушанда ишчиларнинг ҳаммаси иш билан таъминланган бўлади. **(Қарсаклар. Маъқуллаш хитоблари).** Гап Австрия томонида қолган!

Биз тинчлик учун курашмоқдамиз. Кучимиз жуда кўп. Биз келажакка умид билан назар ташламоқдамиз. Тинчлик йўлидаги кураш муваффақиятли бўлиши учун ҳамма халқлар шу курашда иштирок этмоқ учун ўз кучларини бирлаштирмоқлари керак.

Халқлар ўз куч-гайратларини бирлаштирар эканлар, бутун дунёда тинчликни таъминлай оладилар. **(«Браво!» хитоблари эшитилади. Гулдурос қарсаклар).**

Мендан ҳам камтар эсдалик совғаларини олишингизни илтимос қиламан. Раҳмат, яна бир марта раҳмат! Хайр!

Н. С. Хрушчев бу ерда ҳозир бўлганларнинг гулдурос қарсаклари остида Штирия меҳнаткашлари делегацияларининг раҳбарларига эсдалик совғалари топширади.

Бу учрашув унда иштирок этган ҳамма кишиларнинг ёдида узоқ вақт сақланади.

Грац шаҳри, 1960 йил 6 июль.

КПСС Марказий Комитетининг пленуми олдидан

ИЖОДКОРЛАР

Картон цехи. Ҳар ким ўз иши билан банд. Ишчилардан бири «Революция» типидаги штампда оёқ кийимлари учун дастаклар қирқаётир. Унинг иши анча оғир. Аввал картон устига пичоқ қўйилади. Пичоқ силжиб кетмаслиги учун уни ушлаб туриб, пастки педали оёқ билан босиш керак. Тайёр дастаклар эса пастда турган яшикларга ташланади. Ишчилардан яна бири дастаклари тахлаш билан овора. Қанча кўп ҳаракат қилинмасин, кунига 3 мингдан ортиқ дастак тайёрлаб бўлмайди. Пойафзал фабрикалари эса имкони борича кўпроқ дастак сўраяпти.

Қандай қилиб бу ишнинг уддасидан чиқиш мумкин? Эски штамп қайта реконструкция қилинса мақсадга эришиладими? Йўқ. Чунки бу ускуна ўз умрини ўтаб бўлай деб қолган. Шу цехнинг ўзида меҳнат унумдорлиги анча юқори бўлган «Альбек» типидаги штамп ҳам бор. Лекин унда дастаклар тайёрлаб бўлмайди. «Альбек»ни мақсадга мувофиқ қилиб қайта реконструкция қилса бўлмайдими? Георгий бу фикрга келганида катта хазинанинг калидини топиб олгандек суюниб кетди. Ўз фикрини тезда дўсти Геннадийга айтди. Шу кундан бошлаб йигитлар енг шимариб ишга киришдилар.

Узоқ вақт қилинган меҳнат, ижодий изланишлар ўз самарасини берди. Матонатли йигитлар «Альбек»ни ўз мақсадлари учун ишлашга мажбур қилдилар. Ҳозир «Альбек»ни бир киши бошқармоқда. Штампга металлисти ва пичоқ ўрнатилган. Пастда эса тайёр дастаклар тарновчадан автомат равишда яшикларга жойлашади. Модернизация қилинган штампда педалга ҳожат қолмади. Тепадаги кнопкани боссангиз, пичоқ автомат равишда пастга тушиб картонларни қирқади. Кўриб кўзингиз қувонади.

Янги штамп ҳақида сўзлар экан Геннадий:

— Ҳали ишимиз тугагани йўқ, — дейди. — Ҳозир кунига 12 минг дона дастак тайёрлаб бермоқдамиз, холос. Машинадан тўла фойдаланиш натижасида кунига 25 минг дастак олмоқчимиз. Мақсадимиз шу!

Георгий билан Геннадийнинг сўзларига ишонаверинг. Улар бир гапни айтдими, албатта бажаришади. — суҳбатга аралашди комбинат рационализаторлик ва ихтирочилик бюросининг инженери ўртоқ Н. Н. Жиҳарёва. — Шу йилнинг ўзидаёқ йигитларимиз 150 минг сўмдан ортиқ маблағни иқтисод қилиш имконини берадиган 8 та рационализаторлик таклифлари киритдилар. Таклифларнинг ҳаммаси ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Картон цехининг механиги Геннадий Иванович Никонов билан слесарь Георгий Иванович Ефримидзе техниканд тараққий эттиришга қўшган катта ҳиссалари учун Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши томонидан «Энг яхши ижодий коллектив» деган номни олиш шарафига муяссар бўлдилар.

Бундай илғор рационализаторларни Тошкентдаги қоғоз комбинати цехларида кўплаб учратиш мумкин. Рационализаторлардан Клавдия Ивановна Комкованинг таклифлари ҳам диққатга сазовордир. Қоғозларни ёруғ станокнинг бирлаштирилиши натижасида 5 кишини бошқа ишларга кўчириш имконияти туғилди. Рационализатор Карпенко ишдан чиққан валларни механика мастерскойида қайта силлиқлашни таклиф этди. Бу таклиф бир йилда 20 минг сўмлик маблағни иқтисод қилиш имконини берди.

Шу йилнинг ўтган ойларида тушган 90 та рационализаторлик таклифининг 64 таси ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бу эса 310898 сўмлик маблағни иқтисод қилиш имконини беради. Корхонада ҳар 8 ишчининг бири рационализатор. Бу ерда етти йилликка мўлжалланган ташкилий-техник тадбирлар плани тузилди. Бунда рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этишга катта ўрин берилган.

Тошкентдаги қоғоз комбинатининг меҳнатсевар коллективи КПСС Марказий Комитетининг бўлажак Пленумини техникани янада тараққий эттириш соҳасида ана шундай муваффақиятлар билан кутиб олмоқда.

М. САИДХОНОВА.

Рационализаторлар ҳиссаси

«Ташсельмаш» заводи коллективи шу кунларда КПСС Марказий Комитети июль Пленуми шарафига Ленин вахтасида туриб фидокорона меҳнат қилмоқда. Заводнинг рационализатор ва ихтирочилари ҳам бу умумхалқ курашидан четда қолмаётирлар.

Корхонанинг бош конструктори Э. З. Золатаревни «рационализатор—миллионер» дейишади. Бу бечиз эмас, у ХВС-1,2 машинаси шпинделларини ювиш системасини ишлаб чиқди. Бу янги системанинг ишлаб чиқаришга жорий қилинишининг ўзи йилига бир миллион 644 минг сўм иқтисод қилиш имконини берди, бунинг устига йилига 20 тонна металл ва бошқа қимматли материаллар тежалади. Золатаревнинг ўзи бу таклифи учун 17 минг сўм пул мукофоти олди.

Слесарь А. П. Вдовкин таклифи билан ХВС—1,2 машинасидаги маслопровод конструкцияси ўзгартирилди. Натижада ҳар йили корхона 8 минг сўм фойда қўрадиган бўлди. Токарлардан И. И. Кирсанов, Д. П. Шепловлар ХВС—24 машинаси учун детал тайёрлаш технологиясини ўзгартирдилар. Бу эса меҳнат унумдорлигини 2 марта оширди ва йилига заводга 11 минг сўм фойда келтирди.

А. С. Богачев, С. М. Молостов, Д. Х. Судаков, В. С. Пироговлар заводда илғор рационализаторлар бўлибгина қолмай, балки меҳнат зарбдорлари ҳамдир. Улар ойлик планларини 150—200 процентга етказиб бажармоқдалар. А. С. Богачев бошлиқ комплекс бригада аъзолари ХВС—20 машинасининг бир деталини қирқиш усулини ўзгартириб йилига давлатнинг 41 минг сўмлик маблағини тежашга муваффақ бўлдилар.

Заводда ҳаммаси бўлиб ҳозир 300 га яқин рационализатор бор. Шу йилнинг ўтган 5 ойи ичида 295 та рационализаторлик ва ихтирочилик таклифи тушди. Шундан 100 га яқини ишлаб чиқаришга жорий қилиниши натижасида корхонада 2 миллион 150 минг сўм иқтисод қилинди.

Ш. УМУРЗОҚОВ,
Ҳ. МУҲАММАДСОДИҚОВА.

8 ОЙЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Бекободдаги ремонт-механика заводининг коллективи меҳнатда яхши натижаларни қўлга киритмоқда. Ҳамма цехларда ишлаб чиқариш планлари ошириб бажарилаётир. Завод ишчилари хозирнинг ўзидаёқ 8 ойлик планни тўла адо этдилар.

Мотор цехи коллективи йил бошидан бери пешқадамликни қўлда сақлаб келмоқда. Цехда ойлик план 130-140 процент бажарилаётир. Слесарлардан И. Абдуллинов, А. Эмирвелиев, Ш. Халиловлар кундалиқ нормаларини 150-180 процентдан адо этиб, ҳурматга сазовор бўлмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини муносиб совғалар билан нишонлашга астойдил бел боғлаган ремонтчилар шу кунларда янада баракали меҳнат қилмоқдалар.

М. БОЛТАБОЕВ.

Тошкент транспорт машинасозлиги заводининг коллективи КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун социалистик мусобақани кун сайин қизитмоқда. Мусобақада иштирок этаётган кўпгина ишчилар меҳнатда юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Токарь, КПСС аъзоси Камол Муҳитдинов шундай пешқадам ишчилардан ҳисобланади. Ўз касбини пухта эгаллаган новатор смена нормасини 280 процентга етказиб бажараётир. Суратда: ўртоқ К. Муҳитдинов иш устида.

Завод токари Э. Лихолетов фотоси.

КОММУНИСТИК МЕҲНАТ БРИГАДАЛАРИДА

Коммунист—механизатор

1948 йил март ойининг дастлабки кунларидан бири. Туни билан майдалаб ёққан ёмғир эрталабга бориб тинди. Ялпоқлардаги марварид томчилар қуёш нурида билаурдек товланади. Ҳаммаёқ баҳор либосида. Василийнинг қишлоққа кўчиб келиши ана шундай кунларнинг бирига тўғри келди. У колхозга келган куннинг эртасигаёқ «пўлат от»га миндию, унинг жиловини қўлга олди.

Мана, Нурулбек Тўқсонбоев бошлиқ бригаданинг пахта майдони. Ҳар ким ўз иши билан банд. Кимдир карта четларини текислар, кимдир далага маҳаллий ўғит ташиб чиқарар, кимдир суғориш шохобчаларини тозаларди. Кўкламги экишга тайёргарлик авжи қизиган ана шундай кезларда механизатор Василий Бибаровнинг ҳам қўли-қўлига тегмас эди. У колхоз устахонасида ўз агрегатларини экишга шайларди. Ҳа демай чигит экиш ҳам бошланди. Белгиланган уяларга бир меёрда ташланган чигит тез кунда қийғос униб чиқди ва яхлит карталарда яшил квадратлар ҳосил бўлди.

... Кунлар кунларга уланиб, ойлар ўтди. Меҳр билан парвариш қилинган ғўзалар барвақт ҳосилга кирди. Тер тўкиб қилинган меҳнатнинг дастлабки нишоналари ҳамманинг қалбини тўлқинлантирди, ҳар бир пахтакорга зўр ишонч ва битмас-туганмас ғайрат бағишлади. Ўз меҳнатнининг илк самараларини кўрган ва бўлғуси «оқ олтин» хирмонларини кўз олдига келтирган механизатор Василий пахтани машина билан теришга аҳд қилди ва бу фикрини бригада бошлиғига айтди. Аммо, бригадир кўнмади. «Машинада тердирмайман, ҳосил нобуд бўлади» деб оёгини тираб туриб олди.

Шундай қилиб, пахта қўл билан терила бошлади. Василий эса бригадирнинг кўнмаганига қараб турмади. Колхоз правлениеси ва партия ташкилотига учрашиб, синов шарти билан терим машинасини ишга туширишга рухсат берилишини илтимос қилди. Унинг бу фикри маъқулланди. Уч гектардан ошиқроқ ердаги пахта машина билан териб олинди. Дастлаб тўнини тескари кийиб олган бригадир кейинчалик Василийнинг ишига тан берди:

— Оббо, Василий-ей, шунчалик ҳунаринг борлигини олдинроқ билганимда, ҳамма пахтани машинанда терарканмиз, айб мендан ўтди, ука, — деди Нурулбек ака ундан кечирим сўраб.

— Ҳеч киси йўқ, ўтган ишга саловат деган гап бор. Янаги йил бунинг ҳиссасини чиқарамиз...

Василий орзиқиб кутган кунлар ҳам етиб келди. У трактор-далачилик звеносига бошлиқ қилиб тайинланди. Тюпкочи бу звено беш кишидан ташкил топган эди. Уларга 40 гектар партов ер ажратиб берилди. Ер кузда сифатли шудгор қилинди, етарли миқдорда ўғит солинди. Ўша йилнинг кўкламида яхшилаб тайёрланган ерга чигит қисқа муддатда экилди. Юқори агротехника қоидаларига мувофиқ экилган чигитлар қийғос униб чиқди. Яхлит карталарда яшил квадратлар мавж ура бошлади. Ғўзаларга сифатли ишлов берилди, у ёз бўйи қондириб суғорилди, озиқлантирилди, керагича культивация қилинди. Парвариши ўрнига қўйилган ғўза туплари баракали ҳосил тўплади. Ҳа демай далани «оқ олтин» дурдоналари қоплади. Ўша йили барча майдондаги ҳосил машина билан териб олинди. Бир центнер пахтага уч меҳнат куни сарфланди, бир центнер пахтанинг таннархи 120 сўмни ташкил этди. Звено аъзолари янгидан-янги зафарларга бел боғладилар. Сўнгги йилларда улар ҳар гектаридан 35—40 центнерга етказиб ҳосил кўтаришга муваффақ бўлдилар. Бир центнер пахтанинг таннархи 75 сўмга тушди.

Василий Бибаров 1959 хўжалик йилида ўз звеносида етиштирилган 130 тоннага яқин пахта ҳосилининг қариб ҳаммасини машина билан терди. Ҳар гектар ердан 32 центнердан ҳосил кўтарилди ва бир центнер пахта етиштириш учун 2,6 меҳнат куни сарфланди.

Механизация кучидан тўлиқ фойдаланилганлиги туфайли қўлга киритилган бу кўрсаткичлар Василий ва унинг звено аъзоларига шоншараф келтирди. Василий Бибаровнинг кўкрагида Меҳнат Қизил Байроқ ордени порлади...!

Куз кунларининг бири эди. Абдуқодир ота кимнидир қидиргандай йўл-йўлакай ён-атрофига аланглаб келарди. «Шу маҳалгача уйда нима қилади, далада бўлса керак» фикран такрорлади Абдуқодир ота. Бирдан тракторнинг янгроқ овози эшитилди.

— Ҳа, худди ўша, ўшанинг ўзи... Абдуқодир ота янглишмаган эди. Чиндан ҳам Василий далада экан. У ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгач, асл мақсадга кўча қолди.

— Уйингга борган эдим, далада экансан. Бир илтимос билан келдим. Уй қурмоқчи бўлувдим, тахта-ёғоч етишмай турибди. Шунга бир ёрдам берсанг деган эдим.

— Майли отахон, натижасини ўзим айтаман, мумкин қадар ҳаракат қиламан.

— Барака топ, ўғлим...

Василий шу куннинг эртасигаёқ райижрокомга борди ва бу ердагиларга сайловчи Абдуқодир отанинг талабини айтди. Депутатнинг сўзи ерда қолдирилмади. Абдуқодир отага колхоз правлениеси ҳам пул билан ёрдам қилди. У бу пулга тегишли қурилиш материалларини сотиб олди ва қисқа муддат ичида усти шифер билан ёпилган янги типдаги уйга кўчиб кирди.

Василий Бибаров депутат сифатида ҳам ташаббус кўрсатиб ишламоқда. У Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати. Унинг ташаббуси билан сайловчиларнинг кўпгина талаблари қондирилди.

Коммунист Василий Бибаров колхоз бошланғич партия ташкилотига ҳам ўз амалий иши ва қимматли ташаббуси билан яқиндан ёрдам бераётир. У артель коммунистлари ўртасида биринчи бўлиб пахтанинг таннархини камайтириш йўллари, механизациядан кенгроқ фойдаланишнинг афзалликлари, колхоз қишлоғини ободонлаштириш сингари масалаларни кўтариб чиқди.

Василий Бибаров бўш вақт топдими, китоб варақлайди, газетага кўз ташлайди, радио тинглайди. У бугун муҳим бир янгилик ҳақида босилган мақоланинг ҳар бир сўзини оқизмай-томизмай ўқиди. Бу масала юзасидан қайси куни агроном билан ҳам маслаҳатлашган эди. «Партия йиғилишида шу масала ҳақида гапирсаммикан», деб кўнглидан ўтказди у. Шундай қилди ҳам.

— Жойларда туксиз чигит экила бошлади, биз ҳам синаб кўрсак, — деди у партия йиғилишида сўзга чиқиб.

Аммо, бу фикрга баъзилар, шу жумладан 8-бригада бошлиғи Ибодулла Мовлонов ҳам қўшилмади.

— Синалмаган отнинг сиртидан ўтма деганлар, майли экканлар экаверсин, натижасини кўрамиз. Эшитишимча чигитнинг бу хили чидамсиз бўлиб, намда чириб кетаркан, — деди Ибодулла Мовлонов.

Бировлар Василийни қувватлади, баъзи бировлар эса Ибодулла Мовлоновнинг сўзини маъқул топди.

Василий Бибаров синалмаган отнинг сиртидан ўтишга жазм қилди. У бу йил комплекс трактор-далачилик бригадасига бошлиқ қилиб тайинланган эди. 104 гектар ернинг 75 гектарига квадрат-уялаб туксиз чигит экилди.

— Бироқ дейди бригадир, — бу йил об-ҳаво ноқулай келиб, ерда нам узоқ сақланди. Натижада чигитнинг бир қисми ернинг намида чирий бошлади ва у бир текис униб чиқмади. Ўшанда бизга таъна қилганлар ҳам бўлди, лекин биз ҳам бўш келмадик. Ола жойларга қўл билан экиб чиқдик. Шу йўл билан тўп сонининг етарли бўлишига эришилди. Яхлит карталарда чигит қийғос униб чиққач, таъналардан қутилдик...

Чиндан ҳам эндиликда Василий ва унинг бригада аъзоларига таъна қилишга ҳеч ким журъат этолмайди. Уларнинг юзлари ёруғ. Янгилик енгди!

Коммунист Василий Бибаров бошлиқ бригада даласидамиз. Тиктепага келиб қолган қуёш атрофга олов пуркаяпти. Ғўзалар устида жимирлаётган нур кўзни қамаштиради. Шундай кезларда ҳам иш авжида. Василий бошқараётган ДТ-24 трактори тобора кучлироқ ҳайқиради, олга интилади. У бир йўла икки вазифани бажараяпти: ғўза қатор ораларини кўнгилдагидек юмшатиш билан бирга унинг бўғизига минерал ўғит бериб кетаяпти. У бутун вужуди билан ишга киришиб кетганлигидан дам олиш вақти яқинлашганини ҳам сезмай қолди. Қўшни пайкалда шу бригада механизатори Павел Скоробогаченко бошқараётган универсал Василийнинг «пўлат от»ига жўр бўлаётгандай ҳайқирарди. Сувчи Амина Қаюмова, Улфат Розиқова, Абдураҳмон Алимовларнинг иши айниқса кўп, Сафина Асанова ва Соня Сафарова каби қизжувонлар ғўзалар бўғизидаги ўтларни юлиб ташлаш билан банд. Қисқаси, бу ердагиларнинг ҳаммаси ҳам ҳосил тақдири тўғрисида ўйламоқда ва шуни деб сидқидил меҳнат қилмоқда.

— Ҳар бир туп ғўзанинг соғлом ривожланиши учун курашамиз, гектаридан камида 35 центнерга етказиб «оқ олтин» оламиз, бир центнер пахтанинг таннархи 70 сўм бўлишига эришамиз!

Чиноз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг коммунист Василий Бибаров бошлиқ бригада аъзоларининг қалбидан ана шу юксак орзулар мустаҳкам жой олган.

Б. ЭРҚОРОВ.

Василий Бибаров яшил квадратларга кўз ташлаб чеҳрасида қувонч учқунлари барқ урди, ихтиёрсиз самарали меҳнат натижасини кўрар экан, кулиб юборди. Биз уни худди шу пайт суратга туширган эдик.

фото авторники.

ТОШКЕНТ ВА ФАРҒОНА ОБЛАСТЬ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ МУСОБАҚАСИ

ҒЎЗАНИ КЕЧАЮ-КУНДУЗ ҚОНДИРИБ СУҒОРАЙЛИК!

ДЎСТЛАР МАСЛАҲАТИГА АМАЛ ҚИЛИБ...

Поп район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Р. Маманазаров бошлиқ фарғоналик мусобақадошлардан бир группаси Қуйи Чирчиқ, Янгийўл, Чиноз районларининг колхоз ва совхозларида бўлдилар. Улар ғўза парвариши соҳасидаги ишлар билангина танишиб қолмасдан, чорвачиликнинг аҳволи билан қизиқдилар. Колхозларда комплекс механизация ва илғорлар тажрибасининг жорий қилиниши, айниқса уларни қизиқтирди.

Фарғоналик дўстларимиз Чиноз районидаги Киров номли колхознинг Турсуной Охунова бошлиқ трактор-далачилик бригадаси пахтазорини ҳам зўр қониқиш билан кўздан кечирдилар. Бу ерда ғўза ёппасига гуллаган, кўсак туга бошлаган. Суғориш, культивация ишлари ғоят сифатли ўтказилаяпти. Ҳозир ғўзага шарбат суви оқизмоқдалар.

— КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумида бригадамиз номидан сўзга чиқиб, — дейди Турсуной ҳар гектар ердан давлатга 50 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олганмиз. Ишончимиз комил, агар етиштирилаётган ҳосилни нобуд қилмай йиғиштириб олсак, гектаридан олинадиган ҳосил 50 центнердан ҳам ошиши мумкин.

«ЎзССР 30 йиллиги» колхозининг Рустам Ўсарбоев, Фикрет Супершаев бошлиқ тюпкочи звенолари, Янгийўл районидаги Сталин номли колхознинг бешинчи, олтинчи, еттинчи, Ленин номли колхознинг биринчи, иккинчи бригадаларида ҳам ғўза парвариши юксак агротехника муддатларида ўтказилмоқда.

Афсуски ҳамма колхоз ва совхозларнинг бригадаларида ҳам ғўзанинг ривожи кўнгилдагидек эмас.

«ЎзССР беш йиллиги» совхозининг ишчилари бегона ўтга қарши, айниқса, зарпечакка қарши суст курашмоқдалар. Совхознинг 1, 3, 4-бўлимлари далаларида ғўзани зарпечак ўраб кетган. Селим Мустафо бригадасида 30 гектардан ортиқ ерда бегона ўт ғўзани қисиб қўйган. Бунинг устига культивация жуда ҳам сифатсиз ўтказилаяпти: кенглиги 30 — 35, чуқурлиги эса 8 — 12 сантиметр культивация қилинаяпти.

Фарғоналиклар ҳамма ерда ҳам тўла гектар учун қурашилмаганлигини қайд қилдилар. Карта этаклари, дала четлари яхши ишланмайди.

Янгийўл районининг юқори зоналардаги колхозларда аҳвол айниқса чатоқ. Бу ерда суғориш кечикмоқда. Бегона ўтга қарши кураш суст бормоқда. Свердлов номли колхознинг кўпгина бригаталарида ғўзага ўргимчаккана тушган. Киров номли, «Коммунизм», Карл Маркс номли колхозларда эса ғўза гоммоз касаллиги билан оғриган.

Фарғоналиклар Янгийўлда ғўза парваришида маҳаллий ўғитдан фойдаланилмаётганлигини муҳим камчилик деб айтдилар.

— Ғўзани озиқлантиришда шарбатдан жуда кам фойдаланмоқдалар, — дейди ўзаро текшириш бригадаси бошлиғи Маманазаров, колхозларда далага маҳаллий ўғит ташиб чиқарадиган ва тайёрлайдиган махсус бригадалар тузилмаган.

Чиноз районининг колхозларида ҳам ғўза парвариши соҳасида катта камчиликларга йўл қўйилаяпти. Навоий номли, «Коммунизм» колхозларининг 8 ва 6-бригадаларидаги аҳвол бунга яққол мисол бўла олади. Культивация пала-партиш, юзаки ўтказилмоқда. Бу ерда кетмон чопиғи тажриба қилиб кўрилаяпти.

Мусобақадошлар тошкентликларнинг ишини текшириб, пахтачилик, чорвачилик соҳасида кўп камчиликларни кўрсатиш билан бирга нуқсонларни бартараф қилиш тўғрисида қимматли маслаҳатлар ҳам бердилар.

Ҳозир бу иш қандай бўлмоқда? «ЎзССР беш йиллиги» совхозининг директори ўртоқ Иброҳимов текширишдан кейинок дарҳол камчиликларни тузатишга киришилди. Хусусан механизаторлар фарғоналикларнинг тавсияси билан ҳар бир қатор бўйлаб эгат ола бошладилар. Оқучниклларга қўшимча қанотлар ўрнатилди. Сўнгра бу тадбирларни амалга ошириш йўллари ва муддатлари белгиланди.

Чиноз район партия комитети ва район ижроия комитети фарғоналикларнинг маслаҳатини ҳисобга олиб, ҳосил тўплаш ойлиги графигини белгилаб чиқдилар.

Янгийўл районидаги Киров номли колхозда ҳам камчиликларни тугатиш юзасидан қатор тадбирлар белгиланди. Қолоқ участкаларга ўғит ташиб чиқариш учун 6 автомашина ажратилди. Бугина эмас, районнинг бошқа барча колхозларида ҳам фарғоналиклар маслаҳати, таклифлари амалга оширилиб, ғўзанинг ривожланишини тезлаштириш чоралари кўрилди. Айниқса Свердлов номли колхозда ўргимчакканага қарши кураш кучайтирилди. Барча колхозларда тунда шийпонда тунаш учун шароит яратилди. Колхозлар бир-бирларига ёрдам беришни кучайтириб юбордилар. Ленин номли колхознинг 150 аъзоси «XXI партсъезд» колхози далаларига чиқиб, ғўзани ўтдан тозалашга кўмаклашдилар.

Тошкентликлар мусобақадошларнинг кўрсатмаларига ана шундай амалий иш билан жавоб бермоқдалар.

М. БАХРИЕВ.

МАҚСАДИМИЗ 45 ЦЕНТНЕР

Бу йил колхозимиз аъзолари 1250 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. Парда Раҳмонов, Рустамали Абдиев ўртоқлар бошлиқ бригадалар эса гектаридан олинадиган ҳосилни 40—45 центнерга етказишга аҳд қилиб, ғўза парваришини сифатли ўтказмоқдалар. Шулар қатори бизнинг бригада аъзолари ҳам 150 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» топширишга бел боғладилар. Тўхта Ўразова, Ҳидоят Рустамова, Малика Мирзаабдуллаева, Юлдуз Умарова сингари кўпгина хотин-қизларимиз кунлик топширқни 1,5—2 ҳисса қилиб адо этиб, мажбуриятимизнинг сўзсиз бажарилишига замин ҳозирламоқдалар. Умумхалқ ишига кекса оталаримиз ҳам кўмаклашмоқдалар. Ҳошим ота Ортиков, Абдуқодир ота Олимов, Ўктам ота Хўжамуротов сингари 25—30 га яқин қариялар ҳолиқудрат мадад бериб келдилар. Айниқса улар ғўзани ўтдан тозалаб олишда жуда яхши ёрдам бердилар.

Биз ўтган йили юз гектар ерга чигит экиб, гектаридан 30 центнердан ҳосил олдик. Бу йил илгари 14 центнердан ҳосил олиниб келинган 50 гектар ерни қўшиб олдик. Пахта майдонимиз 150 гектарга етди. Хўш, биз нимага ишониб, шу ерлардан 45 центнердан ҳосил етиштирамиз деб ваъда бердик?

Бу йил кузда шудгор қилиб қўйилган ерларга чигитни барвақт экиб, уни ернинг ўз намига текис ундириб олдик. Чигит униб чиқмаган бирорта уя қолмади, ола чиққан ер бўлмади ҳисоб. Демак, ғўзаларимиз бир хил ёшда ва гектарларимиз тўлиқ бўлди. Ҳар уяда 2—3 тадан қолдирилган ғўза текис ривожланаяпти.

Бу йил бригадамизнинг деярлик ҳамма пахтасини машина билан териб олмоқчимиз. Шу сабабли ғўзанинг ғовлаб кетмаслиги учун, машина билан теришга мослаштириб парвариш қилишга алоҳида эътибор бердик. Ғўзани қантариброк суғордик. Чунки бизнинг тўқайлик ерлар шароитида шундай қилинмаса ғўза ғовлаб кетиши ҳеч гап эмас.

Айни пайтда ғўзани ўғитлаб суғориш энг муҳим иш бўлиб қолди. Дастлаб бригадамизда 10—15 киши сувчилик қилиб келаётган бўлса, ҳозир бу ишга 30—35 киши жалб қилинган. Улар орасида тажрибали сувчилар билан бир қаторда, сув қўйишни энди ўрганаётган ёшлар ҳам бор. Буларга Абдусаттор Ўрозов, Зиябча Сурманов, Маҳмуд Олимжонов сингари тажрибали сувчиларимиз раҳбарлик қиляпти. Бир кунда 20—25 гектар ердаги ғўзани сифатли равишда кондириб суғормоқдалар.

Колхозчиларимиз ғайрат билан ишлаб, ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятни сўзсиз бажарадилар. Бунга бизнинг имонимиз комил.

Мурод КУЛМЕНОВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхознинг бригада бошлиғи.

Мусобақадош Фарғона область пахтакорлари ўзаро текшириш бригадасининг бир группа аъзолари Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоз далаларида бўлиб, зиммага олинган социалистик мажбуриятни бажариш йўлида қандай кураш олиб борилаётганлиги билан танишдилар. Суратда: олдинги қаторда (чапдан ўнгга) Энгельс номли колхознинг бригада бошлиғи С. Жабборов, Марғилон районидаги Ленин номли колхознинг бригада механиги А. Ўрмонов, иккинчи қаторда (чапдан ўнгга) Фарғона область қишлоқ хўжалиги бошқармасининг механизация бўйича старший инженери С. Нестеренко, Энгельс номли колхоз партия ташкилотининг секретари Мусабеков ва шу колхознинг бригада механиги М. Қодиров ўртоқлар ғўзанинг ривожини кўздан кечирмоқдалар.

М. Шевелев фотоси.

ҚАҲРАМОН БИЛАН УЧРАШУВ

«Оққўрғон» совхозидаги Улуғбек номли ўрта мактабни битирувчилар ўзларининг «Коммунистчасига яшаш ва ишлаш» деган кечаларига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тошмамат Алижоновни таклиф қилишди. Т. Алижонов шу мактабда ўқиб, 7-синфни тамомлаган эди.

Учрашувда қаҳрамон ўзи бошчилик қилаётган коммунистик меҳнат бригадаси аъзоларининг шу кунларда қилаётган ишлари ҳақида гапириб берди. Бригаданинг келажак режаларини ўқувчилар қизиқиб тингладилар.

Шундан сўнг битирувчилар бирин-кетин сўз олдилар.

— Синфимиз ўқувчилари, — деди М. Турғунова, — ўртоқ Алижонов хизмат қилаётган совхозда қолиб ишлашга қарор қилдилар. Биз ҳам келгусида донгдор пахтакор бўлиб етишишни истаймиз.

— Бу яхши ташаббус, — деди Т. Алижонов, — бригадамиз сизларга қўлидан келган ёрдамини аямайди. Кейинчалик совхоз дирекциясидан илтимос қилиб, трактордалачилик бригадасига биркитиб қўямиз. Йўқ дейишмаса керак.

Битирувчилар ўзларига билдирилган бу катта ишончни фидокорона меҳнат қилиш билан оқлашга сўз бердилар.

Ҳ. ТОШПЎЛАТОВ.

ЭЪТИБОРДАН УЗОҚДА

Ҳозир кўкламги дала ишларининг авжи қизиган пайти. Пахтакорлар ҳам, сабзавот ва картошка етиштирувчи колхозларнинг аъзолари, совхозларнинг ишчилари ҳам қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун далада астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Бироқ, Калинин районидаги Куйбишев номли колхоз бошланғич партия ташкилоти (секретари ўртоқ Н. Мирзаев) агитколлективнинг фаолиятини кучайтириш, колхозчилар ишлаб турган жойларда агитаторларнинг суҳбатини ташкил этиш масаласи билан шуғулланмаётир. Бир ойдан кўпроқ вақт илгари ўртоқ Мирзаев агитпункт мудири, шу колхоз қишлоғидаги 39-мактаб ўқитувчиси ўртоқ Балишев билан бирга 36 агитаторнинг рўйхатини тузиб чиқдилар ва уларни бригадаларга биркитган бўлдилар-у, шу билан таскин топдилар.

Бригада дала шийпонларини ремонт қилиш, янгиларини қуриш, жиҳозлаш ва уларни колхозчилар маданий дам, маънавий озуқа оладиган жойларга, оммавий-сиёсий ишларнинг ҳақиқий марказига айлантириш колхоз партия ташкилотининг эътиборидан мутлақо четда қолмоқда.

Ахир, колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш ва уларнинг баракали меҳнатдан кейин ҳузур қилиб дам олишини уюштириш масаласи билан колхоз партия ташкилоти шуғулланмаса, бу ишлар билан ким шуғулланади?

Ғ. АБДУЛЛАЕВ.

ҒАЛЛА ЎРИМ-ЙИҒИМИ КУЧАЙТИРИЛДИ

Янгиер шаҳридаги «Ховос» совхози далаларида бу йил ғалладан мўл ҳосил етиштирилди. Совхоз дирекцияси мўл ҳосилни нобуд қилмай, қисқа вақт ичида йиғиб-териб олиш учун пухта тайёргарлик кўрди.

Совхознинг 3-бўлими механизаторлари биринчи бўлиб арпа ўришга киришдилар. Тажрибали механизатор ўртоқ И. Алиматов колонна механиги бўлган тракторчилар, комбайнчилар ўримда юқори меҳнат унумига эришаётирлар. Комбайнчи М. Раҳматов, М. Кенжаев ўртоқлар кунлик топшириқни анча ошириб адо этаётирлар.

Совхознинг барча бўлимларида ҳам арпа ўрими оммавий равишда кучайтириб юборилди.

Т. ОРИПОВ.

Тошкентликлар қойил қолдилар

ФАРҒОНА. (**«Тошкент ҳақиқати» мухбиридан телефон орқали олинди**). Тошкент область пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси аъзолари уч кун мобайнида Киров, Ўзбекистон, Фрунзе, Поп, Чуст, Марғилон, Ленинград ва бошқа бирқатор районларнинг пахта далаларида бўлиб, ўз мусобақадошларининг мўл ҳосил етиштириш мақсадида қилаётган ижодий меҳнати, илғор агротехникани жорий қилиш соҳасида эришилаётган муваффақиятлари, пахта устаси сифатида донг чиқарган дўстларининг ибратли тажрибаси билан танишдилар.

Мусобақадошлар ўртасида қанчадан-қанча қизғин тортишувлар бўлди. Кўпгина колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, бўлим ва бригада бошлиқлари, механизатор ва сувчилар ўзларининг қойилмақом ишларини, меҳр билан парвариш қилиб яхши ривожлантирган ғуж-ғуж шона, гул ва айниқса мўл ҳосилнинг чинакам нишонаси — кўрак ҳосил қилган ғўзаларини, маккажўхориси отлиқ кишига бўй бермайдиган пайкалларини, чорвачилик фермаларини намойиш қилдилар. Айни вақтда улар камтарилик қилиб, ҳали ишимизда кўп камчиликлар бор, маслаҳатлар беринглар, ўзларингизнинг ишингиздан сўзлаб беринглар, биз-нинг ютуғимиз сизнинг ютуғингиз, Тошкент—Фарғона мусобақасида голиб ҳам, мағлуб ҳам бўлмайди деб катта меҳрибонлик кўрсатдилар. Улар агротехникани қўлланиш, пахтачиликни комплекс механизациялаш, мавжуд ишчи кучи, техника ва ҳозирги кунда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган сувдан рационал фойдаланиш, бунинг натижасини бутун-бутун район, колхоз, совхоз, бўлим ва бригада мисолида кўрсатиб қойил қилдилар.

Деҳқончиликнинг, айниқса пахтачилик маданияти эндиликда қандай юксак даражага кўтарилганига юқори ҳосилли «Ленинград» райони мисолида ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Тошкентлик мусобақадошлар бригадасининг бир группаси уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқулов иштирокида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Меликўзи Халилов раҳбарлик қилаётган Энгельс номли колхознинг пахта далаларида бўлганларида ўз ҳайратлари ва қувончларини: «ғўзани парвариш қилиш, олинган юксак мажбуриятни бажариш учун кураш мана бундақа бўлар экан» деб изҳор қилдилар. Карталарда ғўзадан бошқа гиёҳ йўқ. Эгат ораласангиз оёғингиз юмшоқ тупроққа ботиб кетади. Озиқ ва сувдан толиган ёки ортиқча сув ичган ғўза йўқ.

Меҳмонлар бир текис ривожланиб, бир хил ҳосилга кирган ғўзаларни кўргач, колхоз раҳбарларидан бунга қандай қилиб эришилганини сўрадилар.

— Ғўзамизнинг у қадар мақтайдиган жойи йўқ, — дейди раис камтаринлик билан, — бу йилги шароитда мўрғак ғўзага дарҳол ўғит бериб ва икки томонлама культивация қилиб, озиқ ва ҳаводан баҳраманд қилмаганда аҳвол чатоқлашар эди. Ҳозир ҳосилнинг тақдирини сув ва трактор ҳал қиладиган масъулиятли давр келди. Ҳарбир картани ким ва қачон суғоришини, неча кунда етилиши ва уни ким культивация қилишини белгилаб оламиз. Сувга энг тажрибали кишилар қўйилган. Ўқариқлар ораси ҳозир кўкламги дала ишларининг авжи қизиган пайти. Пахтакорлар ҳам, сабзавот ва картошка етиштирувчи колхозларнинг аъзолари, совхозларнинг ишчилари ҳам қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун далада астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Бироқ, Калинин районидаги Куйбишев номли колхоз бошланғич партия ташкилоти (секретари ўртоқ Н. Мирзаев) агитколлективнинг фаолиятини кучайтириш, колхозчилар ишлаб турган жойларда агитаторларнинг суҳбатини ташкил этиш масаласи билан шуғулланмаётир. Бир ойдан кўпроқ вақт илгари ўртоқ Мирзаев агитпункт мудири, шу колхоз қишлоғидаги 39-мактаб ўқитувчиси ўртоқ Балишев билан бирга 36 агитаторнинг рўйхатини тузиб чиқдилар ва уларни бригадаларга биркитган бўлдилар-у, шу билан таскин топдилар.

Бригада дала шийпонларини ремонт қилиш, янгиларини қуриш, жиҳозлаш ва уларни колхозчилар маданий дам, маънавий озуқа оладиган жойларга, оммавий-сиёсий ишларнинг ҳақиқий марказига айлантириш колхоз партия ташкилотининг эътиборидан мутлақо четда қолмоқда.

Ахир, колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш ва уларнинг баракали меҳнатдан кейин ҳузур қилиб дам олишини уюштириш масаласи билан колхоз партия ташкилоти шуғулланмаса, бу ишлар билан ким шуғулланади?

Ғ. АБДУЛЛАЕВ.

Калинин районидаги Сталин номли колхозда эртаги сабзавот ҳосили мўл бўлди. Колхознинг Қўчқор Собитов бошлиқ комсомол-ёшлар звеноси КПСС Марказий Комитети Пленуми шарафига ҳар гектар ердан 50 центнердан ҳосил топшириш мажбуриятини олди. Суратда: звено аъзоси ўртоқ Т. Очилова карам узаяпти.

Қ. Розиқов ва Қ. Рашидов фотолари. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Чет элларда

СОВЕТ МЕҲМОНИНИНГ ВИЗИТИДАН БИЗ ҒОЯТ МАМНУНМИЗ

Ю. РААБ БАЕНОТИ

ВЕНА, 7 июль. (ТАСС). Австриянинг Федерал канцлери Ю. Рааб совет журналистлари билан қилган суҳбатида Н. С. Хрушчевнинг Австрия бўйлаб қилган сафаридан ғоят мамнун эканлигини билдирган ва Н. С. Хрушчевнинг визити натижасида Совет-Австрия муносабатларининг янада кўпроқ мустаҳкамланажагига ишонч изҳор қилган. Биз ҳамма вақт яхши, дўстона муносабатда бўлиб келдик, деб таъкидлади Ю. Рааб ва бу муносабатлар бундан кейин ҳам муваффақиятли равишда ривожланади.

Австрия аҳолиси, деди пировардида Ю. Рааб, Н. С. Хрушчевни дўстона қабул қилди.

УХАНЬ МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ ҚУРИЛИШИДА

ПЕКИН, 6 июль. (ТАСС). Хитойда Совет Иттифоқи ёрдами билан қурилаётган Ухань металлургия комбинатида бугун 1150 блюминги ишга туширилди. Ўралмаш заводида ва Харьковдаги электромеханика заводида тайёрланган бу кучли юқори унумли стан йилига 3,5 миллион тонна пўлат қуймаларини прокат қилади.

ИТАЛИЯ ВА АРГЕНТИНАДА ЗАБАСТОВКА ҲАРАКАТИ

Италияда 5 июлда газ саноати хусусий корхоналари хизматчиларининг тўрт кунлик забастовкаси бошланди. Иш ташловчилар янги умум миллий меҳнат шартномасини тузишни талаб қилмоқдалар. Забастовка Рим, Милан, Турин, Неаполь, Венеция, Флоренция ва Бари шаҳарларидаги корхоналарга ёйилди.

Ликата порт шаҳрида (Сицилия) меҳнаткашларнинг оммавий намойиши бўлди. Меҳнаткашлар кўмир шахтасининг ёпилиши портда юк ортиш ва туширишнинг ишларининг қисқартирилиши ҳамда электростанция қурилиши тўғрисидаги қарорнинг бекор қилинганлиги сабабли иш ҳақининг пастлиги ва ишсизликнинг ўсишига қарши норозилик билдирмоқдалар. Иш ҳақини ошириш тўғрисидаги ўз талабларини қувватлаш юзасидан забастовка эълон қилган намойиш қатнашчилари баъзи жойларда баррикадалар қуриб, шаҳарга олиб борадиган темир йўл ва тош йўлларни тўсиб қўйдилар. «Тартиб ўрнатиш» учун чақирилган полиция намойишчиларга қарата ўқ узди. Бунинг натижасида бир ишчи ўлдирилди ва бир неча киши ярадор қилинди.

Аргентинада мамлакатдаги барча ўқув юртларининг ўқитувчилари забастовка эълон қилдилар. Улар иш ҳақини оширишни талаб қилмоқдалар. Студентлар уларнинг талабларини қўллаб-қувватлаб чиқмоқдалар. Қурувчи ишчилар ҳам забастовка эълон қилдилар. Бу эса кейинги икки ҳафта ичида уларнинг учинчи забастовкасидир. Қурувчи ишчилар ҳам иш ҳақини оширишни талаб қилмоқдалар. (ТАСС).

ТЕЛЕГРАФ ХАБАР ҚИЛАДИ

✦ Сомалининг мустақил деб эълон қилиниши муносабати билан бўлган байрамларда қатнашиш учун Могадишога келган СССР министри Н. А. Дигай бошчилигидаги совет ҳукумат делегацияси мамлакат бўйлаб сафар қилди. Делегация банан плантацияларига, кокос пальмалари ва шакар қамиши плантацияларига борди. Ҳамма жойда совет делегацияси самимий кутиб олинди.

✦ Женевада маориф масалаларига бағишланган 23 конференция очилди. ЮНЕСКО ва маориф масалалари бўйича халқаро бюро томонидан ташкил қилинган бу конференцияга 76 мамлакатдан делегация, шу жумладан РСФСР Маориф министрининг биринчи ўринбосари А. И. Маркушевич бошчилигидаги Совет Иттифоқи делегацияси ҳам келди. Конференция қатнашчилари ўрта мактабларда дарс беришнинг асосий программаларини ишлаб чиқиш ва нашр этиш масалаларини, турли мамлакатлар халқ маорифи министрликларининг қисқача докладларини, шунингдек бир қанча бошқа проблемаларни муҳокама қиладилар.

✦ СССР Молия министрининг ўринбосари П. А. Малетин бошчилигидаги совет иқтисодий делегацияси Бағдодга келди. Делегация Совет Иттифоқи билан Ироқ Республикаси ўртасида иқтисодий ва техника ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари юзасидан Ироқ ҳукумати билан музокаралар олиб боради.

✦ Узоқ давом этган касалликдан кейин 62 ёшида Англия лейбористлар партияси раҳбарининг ўринбосари Эньюрин Бивен вафот этди.

✦ Веймарда Германия либерал-демократик партиясининг 8-съезди очилди. Съезд ишида Германия Демократик Республикасининг барча округларидан мингдан ортиқ делегат ва Ғарбий Германия ҳамда Ғарбий Берлиндан кўп меҳмон қатнашмоқда. Ғарбий Европадаги кўпгина мамлакатлардан ҳам съездга меҳмонлар келишди. Германия либерал-демократик партиясининг ҳозирги съезди «Сиёсатимизнинг асосий масаласи тинчликдир — ўзимизнинг умумий социалистик ишимиз фойдасини кўзлаб меҳнат қилиб, биз тинчликни мустаҳкамлаймиз», деган шиор остида ўтмоқда.

7 июль. (ТАСС).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» материаллари изидан

„ИСИТМАСИ ОШКОР ҚИЛДИ“

Шу сарлавҳа билан газетамизнинг 14 июнь сонида босилган танқидий материалда Оққўрғон районидаги Карл Маркс номли, Куйбишев номли ва Ленин номли колхозларда оммавий-сиёсий ишлар қониқарсиз ташкил қилингани, дала шийпонларида колхозчилар учун маданий-маиший шароитлар яратиб берилмагани тўғрисида ёзилган эди.

Район партия комитетининг секретари ўртоқ С. Нишонбоевнинг редакцияга маълум қилишича, материал район партия комитетининг бюросида муҳокама қилинган. Материалда келтирилган фактлар тўла-тўкис тўғри деб топилган. Карл Маркс номли, Куйбишев номли ва Ленин номли колхозларнинг бошланғич партия ташкилоти секретарлари Бобомуродов, Сайдаев, Толипов ўртоқлар: колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни қониқарсиз ташкил қилганликлари учун огоҳлантирилганлар. Районнинг барча колхозларида ва совхозда дала шийпонларида колхозчилар учун маданий-маиший шароитларни яхшилаш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланган.

Барча колхозларда далада ишловчи колхозчиларга иссиқ овқат ташкил қилиб берилган. «Озод», Куйбишев номли, «Ленинобод» ва Карл Маркс номли колхозларнинг дала шийпонларида бепул иссиқ овқат ташкил қилинган.

Агитаторларнинг район кенгаши ўтказилиб, унда район партия комитети секретари ўртоқ Турсунова «СССР Олий Совети V сессиясининг қарорлари ва агитаторларнинг вазифалари» деган темада доклад қилган. Кенгаш қатнашчилари Оққўрғон совхозининг трактор далачилик бригадаси бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тошмамат Алижоновнинг иш тажрибаси билан танишганлар.

Район партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлимига яқин кунлар ичида районнинг барча колхозларида ва совхозда дала шийпонларининг аҳволини текшириб чиқиб, уларда оммавий-сиёсий ишларни яхшилашни таъмин этиш вазифаси топширилган.

«БИР ҲАММОМ ҲАНҒОМАСИ»

Газетамизнинг шу йилги 31-сонида Ўрта Чирчиқ район марказида бўлган якка-ягона ҳаммомнинг ишдан чиқиб кетаётгани, тоз-тоғораларнинг етишмаслиги, санитария талабларига риоя қилинмаслиги тўғрисида юқоридаги сарлавҳа остида хабар босилган эди.

Район ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Н. Д. Нам хабар юзасидан редакцияга жавоб бериб, ҳаммом ремонт қилиниб, ювиниш асбоблари билан таъминлангани, санитария шароитлари яхшиланганини айтди. Лекин бино кичик бўлгани сабабли ҳаммом район маркази аҳолисининг атиги 10—15 процентининггина эҳтиёжини қондираётгани, уни кенгайтириш ёки янги ҳаммом қуриш учун ҳозирча район бюджетидан маблағ ажратиш имконияти йўқлигини билдирди.

Редакция бу ҳақда область коммунал хўжалиги бўлимига мурожаат қилганда, бўлимнинг бош инженери ўртоқ П. Е. Подпорин Ўрта Чирчиқ район мариазида ҳаммом ва кир ювиш хонаси қуриш 1961 йилга белгиланиб, область бюджетидан 546 минг сўм маблағ ажратиш планлаштирилди, деб жавоб берди.

Редакцияга келган хатлардан

Ёш мутахассис М. Ҳамидхўжаеванинг «Ташавтомаш» заводига ишга келганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Техникумда пухта билим эгаллаган идрокли қизга завод инженерлари айрим детал ва узелларнинг чертёжини мустақил равишда ишлашни ишонб топширадилар. Ҳамидхўжаева бундай топшириқларни кўнгилдагидек бажариш билан бирга, корхона жамоат ишларида ҳам актив қатнашмоқда. Суратда: М. Ҳамидхўжаева иш устида.

А. Палехов фотоси.

ЁШ МУТАХАССИСЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Бу йил Тошкент қишлоқ хўжалик институти ўрмончилик факультетини 50 дан ортиқ ёш мутахассис тамомлаб чиқади. Битирувчиларнинг ҳаммаси республикамизнинг узоқ районларига бориб ишлаш истагини билдирдилар. — Кўпдан бери орзу қилиб юрган ниятим рўёбга чиқди. Мана қўлимда диплом. Яқин кунларда инженер номини оқлаш учун Жиззах районига ишга бораман.— дейди Эркин Умаров.

Ёш мутахассис Эркин институт жамоат ишларида актив иштирок этгани, аъло ўқигани учун уни институт аспирантурасида қолишга тавсия қилишди ўқитувчилар. Аммо, Эркин «мен аввал ишлаб чиқариш тажрибамни оширишим керак, сўнгра ишни давом эттиришим мумкин», деди.

Мутахассислар орасида Янгиер шаҳрига бориб бўз ерларни ўзлаштириш истагини билдирганлар ҳам кўп. В. Жирин, П. Тикулин, Д. Писарев, Е. Скотницева, Д. Прянишниковалар шулар жумласидандир.

М. САЪДУЛЛАЕВА.

ЯНГИ КАСАЛХОНАЛАР

Бу йил Гулистон районида бир неча янги касалхоналар қурилади. Ҳозирданоқ, айримлари қурилиб, бирин-кетин фойдаланишга топширилмоқда.

Райондаги Сталин номли, «Ленинград», «Красная заря» колхозлари территориясида жойлашган касалхоналар сони кенгайтирилди. Бу колхозлар бўлинмас фонд ҳисобига яна қўшимча бинолар қуришга киришдилар.

Район марказида қуришга киришилган 100 ўринли касалхона ҳам яқин ойлар ичида битказилади.

Ҳ. ҲОЖИМАТОВ.



Пойтахтимиздаги Комсомол кўлига дам олиш кунлари борсангиз сув спортининг ажойиб янги турини кўрасиз. Бу ерда Тошкент аэропортининг инженери Леонид Максимов ўзи ясаган чанги билан моторли қайиқ орқасидан узун арқонни ушлаб олиб, сув устида сирпанади. Спортнинг бу тури ҳаммада катта қизиқиш туғдирмоқда. Суратда: Леонид Максимов кўлда машқ қилмоқда.

А. Палехов фотоси.

САЙЛОВЧИЛАР НАКАЗИ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Бундан бир неча ой муқаддам сайловчилар ўзларининг депутати — Бўстонлиқ район ижроия комитетининг раиси Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Ўртоқ К. Асилбеков билан учрашганларида, берилган наказлар суст ижро этилаётганлигини қайд қилиб, уни бажаришни талаб этган ва қўшимча наказлар берган эдилар. Депутат сайловчилар талабини ҳисобга олиб, улар берган наказларда олдинга сурилган масалаларни ҳал этишга ҳаракат қилди.

Амалий чоралар кўрилиши туфайли Чирчиқ ойна заводи ишчи ва хизматчилари учун мўлжаллачган 500 ўринлик клуб қурилиши тезлаштирилди ва бу ерда ҳозир асосий ишлар тамомланди. Клуб яқин кунларда фойдаланишга топширилади. Чирчиқ шаҳри билан Бўстонлиқ районни ўртасидаги йўл яхшиланди. Район марказида ва Товоқсой поселкасида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари барпо этилди. Карл Маркс номли колхозда 100 ўринлик болалар боғчаси қурилиб, ишга туширилди. Товоқсой поселкасидаги Киров номли ўрта мактабнинг биносини капитал ремонт қилиш учун маблағ ажратилди ва ремонт ишлари бошлаб юборилди.

Бундан ташқари районнинг кўпгина қишлоқ ва поселкаларида саноат, озиқ-овқат ва хўжалик товарлари билан савдо қилувчи янги магазинлар очилди. Товоқсой поселкаси касалхонасидаги ўринлар сони 50 тага кўпайтирилди, рентгент кабинети очилди.

Лекин шуни ҳам айтиш керакки, ишчилар поселкаларидаги кўчаларни, ёритиш уларни тозатиб, тартибга келтириш, водопровод қувурлари қуриш масалалари ҳалигача ҳал қилингани йўқ. Товоқсой поселкасида бундан бир йил олдин бошланган болалар боғчаси қурилиши тезлаштирилмаётир. Бу ерда бинонинг фундаменти қурилганидан сўнг тўхтатиб қўйилган иш ҳануз давом эттирилмаётир.

Сайловчилар ўз депутатларидан берилган ана шу наказларнинг ҳам тезроқ амалга оширилишини кутаётирлар.

Э. ТУРКМЕНОВ.

АҲОЛИГА МАДАНИЙ-МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ ЯХШИЛАЙЛИК

(ГАЗЕТХОНЛАР ХАТЛАРИГА ОБЗОР)

— Ғўза парвариши қизғин давом этаётган шу кунларда районимиз колхоз ва совхоз далаларида пахтакорларга хизмат кўрсатаётган медицина ходимларини ҳам учратиш мумкин. Улар район бўйича тузилган «тез ёрдам бригадаси»нинг аъзолари, — деб ёзишади чинозлик ҳаваскор мухбирлардан **Е. Уринбоев** ва **М. Мирвафоев** ўртоқлар. — Медицина ходимлари аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш билан бирга колхоз ва совхоз дала шийпонларида ва радио узеллар орқали «Покизалик — саломатликнинг шарти», «Жисмоний меҳнат-соғлиқнинг гарови» каби темаларда лекция ва суҳбатлар ҳам ўтказмоқдалар.

Дала ишлари қизиб кетган шу долзарб кунларда колхоз ва совхоз далаларида фидокорона меҳнат қилаётган пахтакорларимиз учун кўрсатилаётган маданий-маиший хизматлар ҳақида юқорида айтганимиздай кўплаб хатлар олиб турибмиз.

Мана Гулистон районидаги Ленин номли колхоздан келган хат. Бу хатни ҳаваскор мухбир **Ж. Абдусатторов** ёзган.

— Колхозимиз дала шийпони,— деб ёзади автор, — яхши жиҳозланган, радио ўрнатилган, ҳатто телевизор ҳам бор. Газета ва журналларнинг янги сонлари ҳам мунтазам келтириб турилади.

Шунингдек, Сирдарёдаги «Малик» совхозидан хабар ёзган газетхон **А. Кўчаров** совхоз радиоузели орқали ғўза парваришига доир агроном маслаҳатлари, мусобақа натижалари ҳақида қизиқарли эшиттиришлар берилаётганини маълум қилади.

Кишиларнинг билим манбаини бойитиб, адабиётга бўлган қизиқишни оширишда китоб катта роль ўйнайди. Областимизнинг деярли ҳаммаси қишлоқларида аҳолининг китобга бўлган талаби қондирилмоқда. Кутубхона, қироатхоналар ишлаб турибди. Бўстонлиқ районидаги Сойлиқ қишлоқ советига қарашли кутубхонанинг намунали ишлари ҳақида газетхон **А. Турғунов** қуйидагиларни ёзади:

«Кутубхонанинг китоб фонди янги китоблар ҳисобига бойиб бормоқда. Бу ерда китобхонлар танлаган китобларини олиб ўқиш билан бирга турли темаларда ўтказиладиган конференция ва кечаларга актив иштирок этадилар».

Аммо редакциямизга бундай хушхабарлар билан бир қаторда айрим жойларда пахтакорларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш ишига иккинчи даражали иш деб қаралаётгани ҳақида ҳам сигналлар келиб туради. Бундай хатлардан бири сирдарёлик **Н. Хайруллаев**нинг материалидир. У ўз хатида райондаги Свердлов номли колхоз дала шийпонлари яхши жиҳозланмаганлиги, колхозчи оналарга яхши шароит яратиб берилмаганлиги, колхозда ясли ва болалар боқчалари ишига эътибор берилмаётганлиги ҳақида ачиниб ёзади. Худди шу райондаги «Ўзбекистон» колхозида ҳам аҳвол шундайлиги тўғрисида газетхон **Х. Исаев** хабар ёзган. Бундан ташқари ўртоқ Исаев колхозда хонадонларни Ильич нурлари билан ёритиш ишлари яхши йўлга қўйилмагани, бунинг натижада қишлоқ радио-узели ишламаётганлигини ҳам маълум қилган. Бу колхозда клуб ҳам йўқ. Эскиси бузилган, янгиси қурилмаётир.

Шунингдек, бу райондаги марказий кутубхонанинг ачинарли аҳволидан сигнал юборган колхозчи **Р. Очилов**, кутубхона жуда тор хонага жойлашгани, кутубхонада маданий хизмат йўқлигидан китобхонлар норози бўлаётганликлари тўғрисида характерли далиллар келтиради.

Ҳалигача айрим жойларда клуб қуриш, борларини ремонт қилиш ишига эътибор берилмайди. Жумладан, Бўстонлиқ районидаги «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхозининг клуби кўп йиллардан бери вайрон бўлиб ётибди. Уни тузатириш ҳечкимнинг эсига ҳам келмайди. Бу ҳақда колхозчилар бир неча бор колхоз правлениесига арз қилишди, натижа бўлмади. Шу тўғрида колхоз аъзолари **М. Яхудаев, Т. Кўшматов, Т. Назиров** ва **Т. Эрматов** ўртоқлар ёзишган.

— Қачон бизнинг радио узел ҳам ишга тушади? Ахир радио карнайларига қўшлар уя солиб юборди-ку?! — деб ёзади Оржоникидзе районидаги Сталинград колхозидан газетхон **Н. Мажидов.**

Ҳаваскор мухбир **А. Раҳимов** эса Калинин районининг Ленин номли колхозидан материал ёзиб, колхоз алоқа бўлими хизматидан колхозчилар норози эканлиги, бўлимга келган хат-хабарлар эгаларига етказиб берилмай, чойхонага ташлаб кетилаётгани ҳақида бизга хабар қилган.

Чинозлик **С. Исоқов** ўз хабарида районнинг Ленин номли, Навоий номли ва «Октябрь 40 йиллиги» колхозларида дала шийпонларига дуруст эътибор берилмаётганлиги ҳақида шундай дейди:

— Колхоз аъзолари тушки дам олиш пайтида уйларига кетиб қолмоқдалар. Бу эса дала ишларига маълум даражада путур етказмоқда. Бундан ташқари бу колхозларнинг уччаласида ҳам болалар боқчалари ва яслилар дуруст ишламайди, гигиена қоидаларига риоя қилинмайди. Айниқса «Октябрь 40 йиллиги» колхози (раиси П. А. Жениевский, партия ташкилотининг секретари Т. Шокиров ўртоқлар) да колхоз аъзоларининг маданий-маиший эҳтиёжларига мутлақо эътибор берилмайди.

Кўриниб турибдики, районда аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш жуда ёмон аҳволда. Район маданият бўлимидаги ўртоқлар эса бунга бутунлай бефарқ қарамоқдалар. Буни шу райондаги 10-мактаб ўқитувчиси **Ж. Аҳмедов** ҳам ўз хатида ёзган.

— Район маданият бўлимининг мудири ўртоқ А. Атакаев колхоз, совхозларга чиқмайди, у ердаги аҳолининг талаб ва эҳтиёжларига қулоқ солмайди. Клуб мудирлари, кутубхоначиларнинг йиғилишлари ўтказилмайди. Ана шу сабабларга кўра ҳам бу райондаги кўпчилик колхоз-совхозларда маданий-маиший хизматнинг аҳволи ёмон, — деб ёзилган бу хатда.

Бу хабарлар меҳнаткашларнинг ҳақли эътирозларидир. Колхоз ва совхоз далаларида мўл ҳосил учун курашаётган пахтакорларимизнинг бундай талабларига эътибор бериш партия ва совет ташкилотлари, колхоз ва совхоз раҳбарларининг биринчи навбатдаги вазифасидир. Афсуски, ҳали кўпгина раҳбар ўртоқларимиз бу масалага жиддий эътибор бермаётирлар.

ҲАМОН ЎЛДА-ЖЎЛДА

Нима бўлди-ю, Навоий номли колхознинг клуб биноси мана эрта-индин битади деганда қурилиш ишлари тўсатдан тўхтатиб қўйилди. Колхоздагилар кейинчалик қурилиш давом эттирилар деб ўйлашди. Лекин ҳафта кетидан ойлар ўтабошлади. Мана орадан 3 йилдан ортиқ вақт ўтибдики, клуб ҳамон битказилмайди.

Нима гап ўзи? Қурилиш материаллари йўқми ёки ишчи кучи етишмайдими? Колхозчилар ана шу саволлар билан правлениега мурожаат қилишди. Маълум бўлишича, ҳамма айб Чиноз район қурилиш бошқармаси раҳбарларида экан. Бошқармадагилар «эрта-индин» битказиб берамиз, деб бамайлихотир юришибди.

«Нима учун қуруқ ваъдадан амалий ишга ўтилмаяпти?» деб сўрасак, бошқарма раҳбарлари: «колхоз раислари тез-тез ўзгараяпти, ким билан шартнома тузишга бошимиз қотиб қолди» деб ўз айбларини бўйинларига олишмаётир.

Тўғри, клуб қурилиши бошланган 1956 йилда колхоз раиси ўзгартирилган эди. Колхозга Т. Рустамов раис қилиб сайланди. Ўртоқ Рустамовнинг бу вазифада ишлай бошлаганига анча бўлиб қолди. Колхоз правленниеси раҳбарлари колхозчиларнинг ҳақли талабларини район партия комитетига ҳам, қурилиш бошқармасига ҳам бир неча марта маълум қилдилар. Натижа бўлмади. Шундай бамайлихотирлик давом этаверса битмай қолган клуб биносининг битган қисмлари ҳам вайрон бўладику!

М. ХЎЖАЕВА,
Э. АМИРОВ,
колхоз аъзолари.

Маҳалла ҳуснидаги доғлар

Октябрь районидаги Янги ҳаёт маҳалласи илгари шаҳарнинг чекка, нообод ерларидан бири эди. Тор, қишда лой, ёзда чанг бўладиган кўчалар кўнгилни беҳузур қиларди. Онда-сонда учрайдиган пастқам, кўримсиз уйлардан бошқа ҳеч нарса йўқ эди.

Кейинги йилларда Янги ҳаёт маҳалласининг қиёфаси тубдан ўзгарди. 100 дан ортиқ чиройлик биноларқад кўтарди, маҳалланинг ҳуснига-ҳуси қўшилди.

Маҳаллада Уста Олим, Қорағанда, Каменогорская, Канатопская, Саватат, Федченко ва Янгиерская кўчалари очилиб, уларга асфальт ётқизилди, тротуарлар барпо этилди. Қариб ҳамма кўчаларга электр чироқлари ўрнатилган, аҳоли водопровод сувидан баҳраманд бўлмоқда.

Маҳалла меҳнаткашларининг ташаббуси билан ҳашаматли клуб, маҳалла комитети учун янги идора, қизил бурчак қурилиб, уларнинг атрофига турли дарахт кўчатлари ва гуллар ўтқазилди. Клубда қизиқарли темаларда тез-тез лекция ва суҳбатлар ўтказиб турилади, маҳалла меҳнаткашлари маданий дам олиб, яхшигина ҳордиқ чиқармоқдалар.

Лекин шуни айтиш керакки, маҳалла меҳнаткашларининг тобора ўсиб бораётган талаби ҳали тўла қондирилмаётир. Маҳаллада 400 дан ортиқ хонадон бўлишига қарамай, бу ерда ҳалигача озиқ-овқат магазини очилгани йўқ. Тахтапулдаги 37-магазин мудири Пўлатовнинг ўтакетган даражадаги масъулиятсизлиги туфайли 1959 йилда магазин қуриш учун ажратилган 90 минг сўм пул фойдаланилмай қолиб кетди, келтирилган 6 кубометр тахта ва 10 минг дона пишиқ ғишт чириб ва увиб, исроф бўлиб ётибди. Меҳнаткашларнинг 700 дан ортиқ мактаб ёшидаги болалари асосан 2—3 километр наридаги 22-мактабга қатнаб ўқиётир.

Тахтапулдаги юқумли касалликлар касалхонаси, туғруқхонадан оқиб чиқаётган ифлосликлар Қарағанда ва Конотопская кўчаларининг этагидаги ҳовузларда тўпланиб, ҳар-хил касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлаётир. Ана шу ерга яқин жойдаги боқчада эса 100 дан ортиқ бола тарбияланади. Бу ернинг ҳавоси тоза эмас. Маҳалла меҳнаткашлари бу ҳақда ёзган шикоятлар Октябрь райони ва Тошкент шаҳар санитария инспекцияларида оқибатсиз қолиб келмоқда.

Октябрь район ижроия комитети юқоридаги камчиликларга барҳам бериш юзасидан зарур чоралар кўриши ҳамда Янги ҳаёт маҳалласи меҳнаткашларининг ҳақли талабларини қондириш чораларини белгилаши керак.

У. ТЎХТАХОНОВ.



Муздек сув. С. Рихсиев фотоэтюди.

ЭСИЗ ЖОЙ, ЭСИЗ БИНО...

Собир Раҳимов номли маданият ва истироҳат паркидаги 12-ошхонанинг ташқи кўриниши кишининг ҳавасини келтиради. Катта сув бўйига жойлашган, атрофи кўм-кўк дарахтзор бу ошхонада тайёрланаётган таомлар турли-туман ва лаззатли, уни еган одам маза қилиб, атрофдаги манзарадан олган роҳатига-роҳат қўшилса керак, деб ўйлайди ҳар ким ҳам.

Лекин ошхонага кириб меню ва у ердаги лоқайд официантларга тўғри бўлгач, ҳалиги тасаввурлардан заррача ҳам қолмайди. Унинг ўрнига «фақат шўрва, мастава ва лагмон бор, тезроқ ғапиринг» деб қилинган қўпол муомилани эшитасиз.

Мобода шу ошхонанинг пешонасига битган шўрва, мастава ва лагмон олиб, унга бироз маза киритмоқчи ҳамда оғизга ёқадиган қилиб емоқчи бўлсангиз, бу ердан гармдори, қорамурч, уксусни осонлик билан тополмайсиз. Хуллас, ошпазлар мазасини олиб пиширган ҳалиги «номи улуг» таомларни чала ювилган ва артилмаган қошиқ билан ейишга мажбур бўлиб, сўнг оғиз-лабингизни суртишга салфетка тополмай ошхонадан табингиз хира бўлиб чиқасиз. Шунда ичингизда унинг раҳбарларига «тасанно» ўқиб, «эсиз шундай бино, шундай жой» дейсиз.

МИРЗАЕВ,
МАҲСУМОВ,
ОМОНОВ.

СУВ ҲАНГОМАСИ

Сирдарё районидаги Велико-Алексеевск поселкаси областимиздаги аҳоли яшайдиган катта пунктлардан бири. Бу ерда темир йўл станцияси, пахта тозалаш заводи, бир қатор савдо ва умумий овқатланиш муассасалари бор.

Лекин поселка аҳолиси ичимлик сув танқислигидан ниҳоят даражада қийналмоқда. Поселка яқинидаги «Главголодностепстрой»га қарашли 17-СМУ қурувчилари яшайдиган жойда ҳар икки-уч хонадонга биттадан водопровод колонкаси тўғри келади. Поселкада эса бир неча юз хонадон истиқомат қилишига қарамай, ҳаммаси бўлиб 3 ёки 4 та водопровод колонкаси бор. Шу туфайли қачон қараманг уларнинг олдида челагини қаторлаштириб навбат кутаётган бир неча киши туради.

Аҳолининг сув танқислигидан қийналаётгани поселка Совети, қолаверса район ижроия комитетига яхши маълум. Бироқ ҳаммага яхши маълум бўлган бу сув «ҳангомаси»га неча йиллардан буён чек қўйилмаётир.

Бу ерда қўшимча водопровод трубалари кўмиш ва колонкалар ўрнатиш учун у қадар кўп ҳажмда иш қилиш ва маблағ сарфлашга тўғри келмайди. Шу сабабли поселка аҳолиси бу масалани областнинг алоқадор ташкилотлари ҳал қилиб берса керак, деб умид қилмоқда.

О. МУҚИМОВ.

ТАЛАБЛАР ҚОНДИРИЛСИН

Янгиер шаҳридаги 3-«Боёвут» совхозининг 1-агроучаскаси территориясида яшовчи меҳнаткашлар транспорт йўқлигидан шаҳар марказига бориш учун қийналмоқдалар. Шу сабабли улар совхоз раҳбарларидан Янгиер шаҳри билан 1-«Боёвут» совхози ўртасида қатнаётган автобус маршрутини 3-«Боёвут» совхозигача узайтириш масаласини тегишли ташкилотлар олдига қўйиб, ҳал этишни бир неча марта илтимос қилдилар.

Лекин совхоз раҳбарлари шу вақтгача лом-мим демай келмоқдалар. Билмадик, меҳнаткашларнинг бу ҳақли талаби қачон амалга оширилар экан?

Б. ҲУСАНОВ.

Телевизор экранида

9 ИЮЛДА

19.00. «Костёр» телевизион журнали.
19.40. Киножурнал.
19.50. Сўнгги ахборот.
20.10. Ўзбек тилида спорт эшиттириши.
20.30. Рус эстрадаси усталарининг концерти.
21.10. Бадиий фильм «Тинч квартира».
22.35. Ўзбек куйларидан концерт.

Редактор ўринбосари
М. ҚОРИЕВ.

Тошкентнинг таниш заллари

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 9/VII да **Трубадур**, 10/VII да кундуз премьера **Этик кийган Мушук**, кечқурун **Жизель.**

Салом, доктор! — «СПУТНИК» (2-зала), «ИСКРА», «МИР», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10, кундуз 12, кеч 6 ва 8 да). КАФАНОВ номли (кеч соат 11 да), ПУШКИН номли (кеч 9-10 минутда).

Акуланинг тиши — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да), НАВОИЙ номли (ёзги, кеч 9-20 минут ва 10-40 минутда), ТЕЛЬМАН номли (кеч 9 да).

Ўғлим уйланади — «ВАТАН» (кундуз соат 4 ва кеч 6 да)

Қочоқлар — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун).

Юборилмаган хат — «ИСКРА» (кеч соат 9-10 минутда), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз 2, 4 ва кеч 10 да), «СПУТНИК» (эрталаб соат 11, кундуз 3 ва кеч 7 да).

Қутлуғ қон (ўзбек тилида) — (кеч соат 9-10 минутда), **Жаннат қушчалари** (кеч соат 10-40 минутда)— «ОКТЯБРЬ».

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

9 ва 10 июлда

Узбекистон санъат усталари

КОНЦЕРТЛАРИ

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артисти **Шаҳодат Раҳимова**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Меҳри Абдуллаева, Кундуз Миркаримова, Дилором Шерова, Эргаш Шукруллаев, Карим Алиев**, Жаҳон ёшлари фестивали лауреатлари **Клара Жалилова, Фозил Харротов**, филармония солистлари **Тоштемир Шарипов, Исъмат Кулабдуллаев, Баҳром Мавлонов, Ғафур Азимов, Рихси Баширов, Раббим Ҳамдамовлар** қатнашади.

Концерт кеч соат 9 да бошланади.

«ЎЗГИПРОВОДХОЗ» ИНСТИТУТИГА

лойиҳа тузиш учун **электрик инженерлар, алоқа инженерлари ва техниклари,** русча машинисткалар

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Полиграф кўча, 1-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

Богобод кўчаси, 283-уйда турувчи **Абжалил Халиловнинг** шу уйда турувчи Умри Халиловадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Фрунзе район халқ судида кўрилади.

Беҳзод кўчаси, Қизил гунча тупик, 36-уйда турувчи **Комил Алимовнинг** шу уйда турувчи Жамила Алимова (Орифжонова)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 6-участка халқ судида кўрилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг АДРЕСИ

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали. Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 34808. 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040. 135. Саноат ва транспорт бўлими. Маданият бўлими — 34048. 132. Хатлар бўлими — 34048. 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 29040. 50. Секретариат — 34808. 115. Эълонлар бўлиши — 28142.

Р. 10007. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. А. 1834.